

# Oila va jamiyat

@oilavajamiyatgazetasi\_bot



## BOSMA NASHRMI YOKI INTERNET:

qay birini tanlaysiz?

Хаётимизга интернет, ижтимоий тармоқларнинг кириб келиши электрон оммавий ахборот воситалари имкониятини анча кенгайтди. Шу боис, мутахассислар бугунги матбуотни оғир юк кўтариб кетаётган карвонга ўхшатишмоқда. Газеталар ададини кузатар эканмиз, борган сари пастлаётган рақамларга дуч келаямиз.

Сўнги пайтларда гўё “Мажбурий обунага қаршимиз” дея жар солиб, зиёлиларни ҳам ушбу даъватга чорлаётганлар, газета ва журналлар ўрнини аллақачон интернет эгаллади, деб “ўта замонавий” фикр юритаётганлар ҳам кўп ора-мизда. Хўш, улар ҳақми? Кучли жамият, маърифатли халқ бўлиб шаклланишимизда интернетнинг ўзи етарлимикин? Қуйида соҳа мутахассисларининг бу борадаги фикрлари билан ўртоқлашамиз....

6

Ўзбек миллий фото санъати ва ҳужжатли фильмлар асосчиси Худойберган Девонов 1879 йилда Хоразмда сарой котиби Нурмуҳаммад Девоний оиласида таваллуд топган. Унинг отаси маърифатли киши бўлиб, Феруз тахаллуси билан жарангдор шеърлар ёзган ҳамда Ўзбекистонда биринчи миллий литографияни (тошбосмахона) ташкил қилган Хива хони Сайид Муҳаммад Раҳим II нинг яқин одами бўлган.

Birinchi o'zbek  
fotografi »11

## Maktab darsligi bugun qay ahvolda?!

Адабиёт – асл сўз санъатини тараннум қилувчи, шу орқали яхшиликка чорловчи куч. Лекин айна кунларда, дарсликларимиздаги мавзулар, мазкур кучни бор бўй-бастича ифодалаб беришга ожизлик қилаётгандек... Чунки ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамон дарсликларда ғализ маъумотларга дуч келмоқда. Эътиборли жиҳати, бунга бир ёки бир неча ўқувчи ва ўқитувчи эмас, Ўзбекистондаги миллионлаб болалар, миллионлаб келажакнинг янги авлодлари дуч келишига тўғри келади.

4

## Hayo andishaning bir parchasi

Эътибор бераётган бўлсангиз, бугун андиша, андишасизлик ҳақида гапириш катта эҳтиёжга айланиб қолди. Негаки, биз менталитетимиздаги, қадриятларимиздаги айрим фазилатларни менсимаслигимиз етмаганидек, уларни нотўғри талқин ҳам қила бошладик. Шу сабабли ҳам бугунги саҳифамизда айнан андиша сўзи ва унинг бугунги кундаги ўрни ҳақида сўз юритишни маъқул топдик.

12



»7

# “MAHALLA RAISLARI O‘Z HUDUDIDAGI MUAMMOLAR BO‘YICHA MAS‘UL RAHBARLARGA TALAB QO‘YADI” – SHAVKAT MIRZIYOEV

Давлатимиз раҳбари Янгиариқ туманидаги “Yantex Invest” МЧЖ фаолияти билан танишиш жараёнида маҳаллабай ишлаш бўйича янги тизимни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди. Унга кўра, туманлардаги иқтисодий комплекс ходимлари ҳар бир маҳаллага бириктирилиб, ўз соҳасига доир масалаларни ҳал қилиб боради.

– Маҳалла раисларини сайлаймиз, улардан кўп нарсани талаб қиламиз, – деди Шавкат Мирзиёев. – Лекин бунинг учун маҳаллий раҳбарлар нима қиляпти, деган саволга аниқ жавоб йўқ. Энди давлат идоралари ходимларининг моддий манфаатдорлиги одамларнинг розилигидан келиб чиқиб белгилана-

диган тизим қиламиз. Солиқ, молия, бандлик, инвестиция, тадбиркорлик ва бошқа масалаларга масъул раҳбарлар маҳаллаларда ишлайди. Маҳалла раислари ўз ҳудудидаги муаммолар бўйича уларга талаб қўяди. Ислохотларни энг қуйи тизимда бажаришнинг асоси шу. Буни одамлар ҳис қилиши керак.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида Сенат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда соҳанинг масъул ходимлари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг 2020 йилдаги фаолияти юзасидан ахбороти тингланди.

Йиғилиш аввалида вазир ўринбосари, Сенат аъзоси Содиқжон Турдиев вазирлик томонидан жорий йил давомида амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот бериб ўтди.

Вазир ўринбосари ахбороти давомида давлатимиз раҳбари томонидан соҳага доир ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, амалдаги мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш ва бу орқали тизимдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида 24 та қонун ҳужжати, шу жумладан 6 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 та фармони ва қарори, Ҳукуматнинг 14 та қарори лойиҳалари ишлаб чиқилгани, 11 та қонун ҳужжати (2 та қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 9 та қарори) қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

## VAZIRLIKNING 2020 YILDAGI FAOLIYATI



Йиғилишда вазирликнинг 1146 “Ишонч телефони” ҳамда унинг аҳоли муаммоларини аниқлаш бўйича аҳамияти ҳақида фикр билдириб ўтилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларга ҳам тўхталиб, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда 797,1 минг нафар фуқаронинг бандлиги таъминланиб, 69 мингдан ортиқ фуқаро хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, касаначилик, томорқачилик каби йўналишларга жалб этилгани қайд

этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида оғир ижтимоий шароитда яшаётган 1127 нафар хотин-қизларга уй-жой сотиб олиш учун Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 19 млрд. 426 млн. сўм миқдоридagi бошланғич бадаллар тўлаб берилди. Қолаверса, олий таълим муассасаларига грант асосида танловда иштирок этишлари учун тавсиянома берилган хотин-

қизларнинг 950 нафари грант асосида ўқишга қабул қилинди. Барча ҳудудлар миқёсида хотин-қизлар билан ишлаш бўйича янги тизим — “Аёллар дафтари” жорий этилди.

Нуронийлар иштирокида маҳаллалардаги 3978 та нотинч оила яраштирилди, 3784 нафар вояга етмаганлар профилактик ҳисобдан чиқарилди, спиртли ичимликка ружу қўйган 2668 нафар шахсларнинг бундай иллатдан халос бўлишига ёрдам берилди. Маҳаллаларни жиноятчиликдан ҳоли ҳудудга айлантириш мақсадида профилактика инспектори лавозими бўйича қўшимча 2753 та штат бирлиги жорий этилди ва барча маҳаллаларда улар фаолияти йўлга қўйилди.

Йиғилиш давомида вазирликнинг фаолият йўналишлари бўйича Сенат аъзолари ва бошқа иштирокчилар томонидан берилган саволларга Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг ўринбосарлари – Ботир Парпиев ва Содиқжон Турдиевлар томонидан атрафлича жавоб бериб ўтилди.

Йиғилишда Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Наримон Умаров иштирок этди.

## AYOLLAR MUAMMOLARI XORAZMDA TASHKIL ETILDI



Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Г.Маъруфова Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги “Камолот”, Урганч туманидаги “Туркманлар”, Хива шаҳридаги “Сангар”, Хива туманидаги “Поласултан” ҳамда Хонқа туманидаги “Баркамоллик” маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан жойларда “Аёллар дафтари”ни шакллантириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан атрафлича танишди. Шунингдек, мазкур ҳудудларда ташкил этилган “Аёллар маслаҳат кенгашлари” иш фаолиятини кўздан кечириб, Ишчи гуруҳ аъзолари билан суҳбат ўтказди.

Г.Маъруфова бугуннинг ўзида “Аёллар дафтари”ни шакллантириш бўйича Хоразм вилоятида ташкил этилган Республика Ишчи гуруҳи аъзолари ҳамда вилоятдаги масъул ташкилотлар вакиллари иштирокида йиғилиш ўтказди. Унда вилоятдаги аёллар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилиши лозим бўлган ишлар юзасидан мутасаддиларга таклиф ва тавсиялар берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қ. Рафиқов иштирок этди.

Тошкент вилояти Чиноз туманидаги “Эшонобод” маҳалла фуқаролар йиғинида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худойбергандов бошчилигида йиғилиш ўтказилди.

## BAVRAM YUKSAK SAVIYADA O‘TKAZILADI

Унда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг ўринбосари Б.Парпиев, Тошкент вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси ва туман бўлими ходимлари ҳамда бошқа масъул ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон каби қўшни мамлакатлар билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш, миллатлараро тотувликни таъминлаш мақсадида Чиноз туманида ўтказиладиган оммавий, маданий-маърифий тадбирларни ҳар томонлама юксак савияда ташкил этиш, бу борада белгиланган вазифаларни ўз вақтида сифатли бажариш бўйича масъулларга бир қанча топшириқлар берилди.

Шунингдек, қўшни мамлакатлардан ташриф буюрадиган меҳмонларни дунёдаги ўхшаши йўқ тузилма – маҳалла институти ҳақида

ва сўнги йилларда мазкур тизимда олиб борилаётган ислохотлар бўйича батафсил маълумотларга эга бўлишлари учун барча ташкилий ишларни амалга ошириш лозимлиги юзасидан фикр алмашилди.



# AZIZBEKNING SAXOVATI

**К**итоб туманидаги “Чармгар” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Афғон уруши қатнашчиси Шавкат Норқобилов 3 сотихлик иссиқхонада яхши ниятлар билан ўтқазган лимон дарахтлари ҳосил бера бошлади. 11 ёшга қадам қўйган набираси Азизбек Сирожев лимон дарахтларини парваришlashда бобосининг дастёрига айланган. Иссиқхонадаги шиғил-шиғил ҳосил қилган лимонларга завқланиб боқар экан, бобосидан кўнглидагини яширмади.

– Бобожон, биринчи ҳосилни меҳрибонлик уйида тарбияланаётган тенгдошларимга совға қилсак майлими?

– Азизбек, менинг кўнглимдагини гапирдинг-да. Биринчи ҳосилни

бугуноқ меҳрибонлик уйига олиб борамиз.

– Қандай яхши. Унда мен ҳосил узишга киришаман. Қани бошладик...

Дарвоқе, саховатнинг катта-



барча ишларда бобосининг яқин кўмакчисига айланган. У рус тилида эркин сўзлаша олади. Бобо-набира терилган лимонларни яшиқларга жойлар экан, тезроқ меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болалар ҳузурига бориб, тенгдошларининг кўнглини олишга шошилди.

– Айни пайтда бу ерда 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган 76 нафар болалар тарбияланмоқда, – дейди 5-меҳрибонлик уйи директори Олимжон Бойқобилов. – Азизбекнинг болаларга инъоми кутилмаган совға бўлди. Жамоамизнинг барча аъзолари номидан уларга миннатдорчилик билдирамиз.

Шу куни бобо-набира иссиқхонада ўзлари етиштирган 20 килограммдан ортиқ лимонни меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига совға қилишди. Бу ерда 12 та тўғарак фаолият кўрсатиб турибди. Тумандаги ҳамкор ташкилот вакиллари болаларни касб-хунарга ўргатишда яқиндан кўмаклашмоқдалар. Кичкина Азизбек бўш пайтларда “Сирожев Азизбек лимонзорлари” деҳқон хўжалигида бобоси билан ишлаб, дастурхон тўқинлигини таъминлаётган энг ёш замондошларимиздан бири.

**Шавкат СУЛТОНОВ,**  
“Оила ва жамият” мухбири.  
Суратда: “Сирожев Азизбек лимонзорлари” деҳқон хўжалигида етиштирилган илк ҳосил Китоб туманидаги 5-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига улашилмоқда.

кичиги бўлмади. Бир ўксик кўнглини овламоқ – минг марта Маккага зиёрат қилиш билан баробар. Бу ҳақ гап. Тумандаги рус тилига ихтисослаштирилган 2-мактабнинг 5 “д” синфида таҳсил олаётган Азизбек бобоси билан лимонларни теришга киришди.

Гап-сўзлари бурро, фикр доираси кенг бўлган Азизбек ёш бўлса-да,



## BOLA AZIZ, ODOVI UN DAN AZIZ

**Ҳақиқатан ҳам бола тарбияси ҳаётининг зарур масаладир. Ҳар бир оиладаги тарбия боланинг гўдаклигиданоқ бошланади, бола ҳаётининг кўп қисмини оилада ўтказилади.**

Умуман, ҳар қандай оиланинг мустақамлиги, оилавий тарбиянинг таъсирчанлиги ва самарадорлиги кўп жиҳатдан оилада қарор топган ўзаро муносабатларга, уларнинг маънавий-ахлоқий иқлимига боғлиқ. Зеро, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг бир неча ҳадисларида айтилганидек, ота-оналарнинг фарзандларига қолдирадиган энг катта мероси уларга ўргатадиган ахлоқи ва одобидир.

Шарқ мутафаккирлари ҳам боланинг оиладаги тарбияси хусусида ўз асарларида жуда кўп тўхталиб ўтганлар. Жумладан, буюк аллома ва мутафаккир Абу Али ибн Сино ўзининг “Донишнома” асарида бола тарбияси учун аввало ота-она масъуллигини таъкидлайди. Шу билан бирга аллома ўз асарида ота-онанинг илмли, фозил ва

дунёқарашлари кенг бўлишларини алоҳида уқтириб, фарзанд тарбиясидан масъулиятлироқ иш йўқлигини очиб беради.

Абу Али ибн Сино ёш болани яхши ахлоқли, жисмонан соғлом қилиб камол топтиришда шахсий намуна бўлиш усулини кўп уқтиради: “Бола тарбиясида энг аввало, оила ҳаётини тўғри йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки оилада катта ёки кичик нарса бўлмайди. Ҳамма нарса, хатто, энг оддий бўлиб кўринадиган оилавий муносабатлар ҳам болага таъсир кўрсатади. Айниқса ростгўйлик, самимийлик, садоқатлик ва ширинсухан бўлиш бола камолотидаги муҳим ҳаётининг воситалардан биридир.”

Улуғ мутафаккир Кайковус ҳам ўзининг “Қобуснома” номли асарида фарзандни ақл эгаси бўлишни ҳамма нарсдан улуғ деб билиб, шундай насиҳат қилган эди: “Агар молсизликдан қашшоқ бўлсанг, ақлдан бой бўлмоққа ҳаракат қил, чунки мол ила бой бўлмоқдан, ақл ила бой бўлмоқ яхшироқдур. Ақл ила мол жам этса бўлур, аммо мол ила ақл ўрганиб бўлмас. Билки, ақл бир қимматбаҳо нарсаки, уни ўғри ололмас, у ўтда ёнмас ва сувда оқмас”.

Бола тарбияси-

**“Кайковус “Қобуснома” асарида яна шундай ёзади: “Ҳар киши ота-онанинг яхшилигини билмаса, бировнинг яхшилигига баҳо беролмайди ва ўз фарзандинг сени ҳурмат қилишини истасанг, сен ҳам ота-онангни ҳурмат қил, чунки сен ота-онанг ҳаққига нима иш қилсанг, фарзандларинг ҳам сенга шундай иш қилади.”**



нинг энг муҳим жиҳати, бу ота-онанинг сабр-тоқатли, хотиржамлиги ва ҳамжихатлигидир. Аммо оила нотинч бўлса, бола на боғчада, на мактабда ва на ташқи ҳаётда ўзини юриш-туриши-ю идрокига жавоб бера олади. Бундай муҳитда ўсган боланинг асаби толиқиб, сержаҳл бўлиб қолади ва у вояга етгандан сўнг ўзбошимчалик билан ғайритабиий ҳамда ғариқонуний ишлар қилишгача бориб етади.

Кайковус “Қобуснома” асарида яна шундай ёзади: “Ҳар киши ота-онанинг яхшилигини билмаса, бировнинг яхшилигига баҳо беролмайди ва ўз фарзандинг сени ҳурмат қилишини истасанг, сен ҳам ота-онангни ҳурмат қил, чунки

сен ота-онанг ҳаққига нима иш қилсанг, фарзандларинг ҳам сенга шундай иш қилади.” Ота-она ёши ўтган сари ҳолсизланиб, саломатлигида муаммолар юзага кела бошлайди, инжиқланиб, кайфиятлари тез-тез ўзгариб туради. Фарзандлар бундай ҳолатларни тўғри қабул қилиб, улар билан муносабатда самимий, мулоим ва ширинсухан бўлиши лозим. Уларни рози қилиш ва дуоларини олиш ҳар бир фарзанднинг муқаддас бурчидир.

**Сурайё РАЖАБОВА,**  
Самарқанд шаҳридаги  
33-умумтаълим  
мактабининг ўзбек тили фани  
ўқитувчиси.

## «KITOB BOBO»NING O'RNINI KIM EGALLAYDI?

**Бугун кўчамизнинг бир гуруҳ ўғил-қизлари мендан: «Опа, Китоб бобом нега келмаяптилар? Энди қачон келар эканлар?» – деб сўраб қолди. Нима дейишни билмай қолдим.**

Қизиқ... Қандай қилиб бу инсонни ёддан кўтариб қўйган эканман-а? Ёки бу болажонларнинг саволига қандай қилиб жавоб берсам экан? «Китоб бобо» энди ҳеч қачон келмайдилар, деб қандай айтаман, ахир?!


«Китоб бобо» ўзи ким, деган савол туғилиши табиий. Дунёда илм-зиё улашувчи, яхшилик ва эзгуликни шиор қилган қалби меҳр-муҳаббатга лиммо-лим, чин маърифат соҳиблари жуда кўп. Менга маънавий қахрамоннинг ким, деган савол билан мурожаат қилганларида, ҳеч иккиланмай «Китоб бобо», яъни Ҳалим Раҳимов, деган бўлар эдим. Ҳалим Раҳимов бизнинг ён-атрофдаги кўча ва қишлоқлардаги барча болалар жонидан ортиқ кўрувчи, ҳаммага китоб улашувчи, ёш авлод онгида китоблар ва илм-зиёнинг ҳақиқий афсунгари тимсолида жонланувчи беназир инсон эдилар. Йиллар давомида мактабда ўқувчиларга таълим-тарбиядан сабоқ бериб, уларни билим савиясини оширишга хизмат қилган бу устоз нафақа ёшига етгач, бутун ҳаётини жажжи болажонлар қалбида китобларга муҳаббат уйғотишга бағишлади.

Ҳали-ҳамон ёдимда, ёш бола эдик. Ҳар доим «Китоб бобо» миз нафақа олган кунлари йўлдан ўтиб кетаётганла-

рида йўлда учраган ҳар бир хонадонга кириб, болаларга китоблар, журнал ва газеталар совға қилар эдилар. Шунинг билан бирга келаси сафар келгунларича ким яхши шеър ёдласа, ёки қизиқарли саволларига жавоб топа олса, китобдан ташқари кўшимча совғалар улашар эдилар. Ҳар гал бу инсоннинг йўлдан ўтиб қолишини ҳар бир бола интиқ бўлиб кутарди. Шунингдек, болалар боғчасига ва мактаб кутубхоналарига шахсий кутубхоналаридан китоблар ҳада этганлар.

«Китоб бобо» нинг ҳаёти жуда тўқис бўлмаган, аммо топган жамики нарсаларини ва меҳнат маҳсулларини фақат болаларга бағишлар эдилар, хоҳ у ўз фарзанду набиралари бўлсин, хоҳ бегона бир қишлоқ боласи. Бирдан бир мақсадлари - ёш авлод онгига китоб ва ундаги маънавият тушунчасини муқим сингдириш бўлган ва ишонч билан айтишим мумкинки, бунга эришдилар ҳам.

Афсуски, ўтган йили қишлоғимиз болалари ўзининг жонажон «Китоб бобо» сидан айрилиб қолди. Айнан ўша дамдан бошлаб, мен ва менинг тенгдошларим китоблар оламининг энг яхши тарғиботчисини йўқотди. Шундай бўлишига қарамай, ота-онам ташаббуси билан китоблар оламини тарк



этмадим. Аммо, ўша пайтларда бизда ҳамма оиланинг ҳам фарзандларига китоб олиб беришга етарли маблағ йўқ эди. Кутубхоналарга бориш эса гўёки биз учун энг зерикарли иш эди. Кутубхонанинг таърифини ҳам илк бора Ҳалим Раҳимовдан эшитганмиз. Биз учун бу инсон китоб кўтариб келганларида совға кўтарган қорбободан ҳам қадрлироқ ва устунроқ бўлиб кўринар эдилар.

Айни дамда юқори синфда ўқияпман. Мендан ёшроқ бўлган болалар ҳамон «Китоб бобо»ни ва унинг ҳаммага бирдек таъсир эта оладиган «сеҳрли китоблар» тарқатишини кутмоқда. Негадир улар учун кутубхонадан ёки ота-онаси томонидан ўнталаб китоб олишдан кўра у инсоннинг кўлидан, у кишининг қизиқарли савол ва топшириқларидан ўтган ҳолда битта китоб олган афзалроқ. Мен учун ҳам шундай эди. Лекин, нега «Китоб

бобо» мизнинг ўрнини ҳеч ким боса олмаяпти? Наҳотки, бундай инсонлар фақат бир мартагина ҳаётга келадиган бўлишса?!

Муболаға қилиб айтадиган бўлсак, Ҳалим Раҳимов энг масъулиятли лавозимда фаолият юритганлар. «Лавозим»и ниҳоятда масъулиятли бўлгани ёки китоб улашиш «фахрли» касб эмаслиги учунми, ҳалигача ул зотнинг ўрнини эгаллашга ҳеч ким иштиёқ билдирмади. Кўчма маънода айтадиган бўлсак, ул зотнинг кўлларида ишлайдиган юзлаб ишчилар ишсиз қолди.

Хуллас, маърифат зиёкори бўлишни ҳеч ким бўйнига олмади.

Дунёда ҳамма ҳам ўзидан ном қолдирмоқчи бўлади. Кимдир жаҳоншумул кашфиётлар орқали ва ёки инсон цивилизациясига ҳиссаси билан. Ҳалим Раҳимов эса юзлаб болалар қалбига инсонийлик ва эзгулик, меҳр ва муҳаббат, олийжаноблик ва бағрикенглик каби энг олий фазилатларнинг ёрқин тимсоли бўлиб мангуга михланди. Балки, бу инсонни дунёлар танимас, билмас, бош эгмас, лекин биз, Бухоро вилояти Пешку туманининг Шавгон, Саидмуродхўр ва Навгаҳон қишлоғининг деярли жами фарзандлари, бу улуг зотга маънавиятнинг буюк ўқитувчиси, ёшларнинг маърифий илҳомчиси, китоблар қалбини тушунадиган ҳақиқий тилсим ва илм афсунгари деб қараймиз. Номлари ҳаётимизнинг илм-зиё саҳифаларида зарҳал ҳарфлар ила битилди.


**Севинч Жўрақулова,  
Бухоро вилояти Пешку тумани.**

## МАКТАВ DARSIGI BUGUN QAY ANVOLDA?!

Адабиёт – асл сўз санъатини тараннум қилувчи, шу орқали яхшиликка чорловчи куч. Лекин айни кунларда, дарсликларимиздаги мавзулар, мазкур кучни бор бўй-бастича ифодалаб беришга ожизлик қилаётгандек... Чунки ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамон дарсликларда ғализ маълумотларга дуч келмоқда. Эътиборли жиҳати, бунга бир ёки бир неча ўқувчи ва ўқитувчи эмас, Ўзбекистондаги миллионлаб болалар, миллионлаб келажакнинг янги авлодлари дуч келишига тўғри келади. Келинг, бу муаммони батафсил тушуниш учун, 6-синф дарслигида келтирилган, шоир Ибройим Юсупов ҳақидаги мавзуга тўхталасан: Дарсликда, шоирнинг таржимаи ҳоли тўғрисида қуйидаги маълумотларни ўқийингиз мумкин:

«Ибройим Юсупов республика адабий жамоатчилик ўртасида қозонган обрў-эътибори туфайли, узоқ йиллар (1965-1980) Қорақалпоғистон ёзувчилар уюшмасига раислик қилади. Ибройим Юсупов 1980-1985-йилларда республика марказий газетасида бош муҳаррир вазифасини бажарган бўлса, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан то 2000-йилгача, Қорақалпоғистон Маънавият ва маърифат марказининг раиси лавозимида фидокорона хизмат қилади».

Ёки 6-синф дарслигидаги, Туроб Тўла ҳаётига оид ушбу маълумотни олайлик: «Жумладан ёшлар газетасида адабий ходим, Ўзбекистон радиоэшиттириш қўмитасида муҳаррир ва суҳандон, Ўзбекистон Давлат нашриётида, (Ўздавнашрда) муҳаррир, «Ўзбекфильм» киностудиясида сценарий бўлими мудир, Республика киночилар уюшмасида котиб, Маданият ва-



зирилиги санъат ишлари бошқармаси бошлиғи, ҳозирги Ўзбек миллий академик театри директори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги адабиётни тарғиб этиш маркази раҳбари сингари вазифаларни бажаради.»

Энди мантиқан ўйлаб кўрингчи, қуйидаги жумлалар 6-синф ўқувчисининг онгига қанчалик тушунарли? 12 ёшли бола учун обрў-эътибор деган сўзлар қанчалик аҳамиятли? 6-синфда, сиз бу борада қандай фикрлар эдингиз? Шахсан ўзингиз, бу ёшда мансаб ва лавозим ҳақида, умуман катталарнинг маълум иш фаолияти тўғрисида қанчалик тушунчага эга

бўлгансиз? Бу сизга қизиқ эдимиз!

Бола руҳияти, ижтимоий ҳаётдаги жараёнларни тўла-тўқис 16 ёшдан сўнг англаб ета бошлайди. Жумладан, раҳбарлик, лавозим, мансаб каби тушунчаларни у шу ёшдан сўнггина моҳиятини тўғри фаҳмлай олади...

Аммо бугун 5-6-синф адабиёт дарсликларига разм солсангиз, қайси шоирнинг, қайси йилларда, қандай лавозимда бўлгани, қандай ишларда фаолият олиб боргани, қандай мукофотларни кўлга киритгани каби маълумотларга кўзингиз тушади.

Тил-адабиёт соҳасида бир неча йиллардан буён ишлаб келаман. Ҳар сафар дарс вақтида, 6-5-синф ўқувчиларимга, дарсликда берилган, ёзувчиларнинг иш фаолияти лавозим ва қайси мансабларда ишлагани ҳақидаги маълумотларни иложи борича, уларга содда, раван тушунтиришга уринмай, уларнинг кўзида қизиқиш учкунлари ёнганини кўролмайман... Аммо ёзувчиларнинг шеър ва ҳикоялари, роман ва

қиссаларидан берилган парчалар ҳақида тушунтирилганда, уларнинг нигоҳларида, баъзида табассум, баъзида куюнчаклик, баъзида ҳаяжон, баъзан эса қувонч нашидалари порлаб кетади... Шу сабабли дарсликларимизда, кўпроқ адабиёт намуналари берилса ва муаллифларнинг узундан-узун мансаб ва ла-

возимлари тўғрисидаги, маълумотлар қисқартирилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Она тили фани дарслигида ҳам қатор камчиликлар кўзга ташланиб қолган. Жумладан, 10-синф дарслигида, ўткир танқидчи, ўзбек адабиётининг моҳир мунаққиди Озод Шарафиддинов тўғрисидаги матннинг ёнига авар халқининг шоири Расул Ҳамзатовнинг сурати қўйиб қўйилган. Бу биринчидан, ўқувчиларни чалғитувчи хатолик бўлса, иккинчидан, адибнинг шахсиятига ҳурматсизлик, миллий ғурурнинг кўринишига салбий таъсир қилувчи кўпол хатолик саналади.

Модомики, ўқувчилар онгига адабиётнинг қувватини, сўзга муҳаббат ҳиссини сингдирмоқчи бўлсак, аввало дарсликларимизда минг асрлик ўзбек тилини, ўзбек адабиётини тўғри талқин қилиш лозим. Ўз тилига ҳурмат ҳисси, мактаб учун нашр этилган дарсликлар орқали болалар онгига тамал тошини қўяди. Уларни мушоҳада этиш билан қалба жо бўлади. Шундай экан, дарсликларда ёзувчиларнинг, ижод йўлларига кўпроқ ўрин берилиши, хато-камчиликлар устида қайта-қайта мулоҳаза қилиниши, ўзбек тилининг асл моҳиятини авлодларга чуқурроқ англатишга дастур бўлар эди.

Зеро, Абдулла Қаҳҳор айтганидек: «Адабиёт атомдан кучли, аммо унинг кучини ўтн ёришга сарфламаслик керак». Шундай экан, сўз ва адабиётнинг кучидан оқилона фойдаланишни, аввало дарсликларни ислоҳ этишдан бошлайлик!

**Адиба АБДУЛЛАЕВА,  
Юнусобод туманидаги  
105-мактаб ўқитувчиси.**

# “HARBIYGA TURMUSHGA CHIQRING”,

“Болам, бизларни соғиндим деб ҳархаша қилма. Ҳарбийга турмушга чиқдинг. У юрт ҳимоячиси! Сенинг ҳар бир оқилона ҳаракатинг унинг тинчлигини, осойишталигини таъминлайди. Ҳарбий хизматда ҳам кўнгли хотиржам, ватанга хизмат қилади. Биз сени яхши кўраемиз. Оқ йўл!”, ҳарбий оила бекаси бўлмиш Меҳриёнинг ўз онасидан олган шу дуосига ҳам 10 йилдан ошди. Ҳарбий билим юртини тамомлаган Абдурахмон Тўлашев билан турмуш қургани ва гўзал водидан минг чақирим йўл босиб, Нукус шаҳрига келиб яшаётган даврида онасининг дуоси унга далда бўлди. Ватанга содиқ хизмат қилиши, фарзандларини тарбиялашида ва оила мустақамлигини таъминлашида дастуриламал бўлди.

Маҳаллада ҳам энг ибратли хонадон сифатида тилга олиниб, ёш оилаларга ўрнатилган бўлиб келмоқда. Кунни кеча, Мудофаа вазирлиги қўшинларида бўлиб ўтган “Намунали ҳарбий оила” кўриктанловининг якуний босқичида энг намунали оила тимсоли сифатида эътироф этилиб, фахрли 1-ўринга майор Абдурахмон Тўлашевлар оиласи лойиқ деб топилди.

Бугунги қаҳрамонларимиз Абдурахмон Тўлашев ва Меҳриё Тўлашева Андижон вилояти, Балиқчи тумани, Чинобод қишлоғидан. Улар 2011 йилнинг июнь ойида турмуш қуришган. 2010 йили юртимизнинг энг нуфузли ҳарбий билим юртларидан бири Чирчиқ олий танк кўмондон-муҳандислик билим юртининг қуруқликдаги қўшинларнинг ҳаво ҳужумидан мудофаа тактик кўмондонлиги мутахассислигини тамомлаб, Нукусда ҳарбий хизматни бошлаган Абдурахмон айна пайтда шимоли-ғарбий ҳарбий округнинг ҳарбий қисмларидан бирида, зенитчилар батареяси командири лавозимида ишлаб, ўз касбига профессионал ёндашуви ва ватанпарвар, фидойи ҳарбий хизматчи сифатида шахсий таркибга ўрнатилган бўлиб келмоқда.

Меҳриё – нафақат оилапарвар бека балки, жонқуяр қўшни, маҳалла фаоли, ошпаз ва меҳрибон она, мактабда ўқитувчи ва илмининг ортидан комилликка интилаётган университет магистри ҳамдир. “Оилада тўрт қизимиз. Мен эса энг кичиги”, – дея сўз очади Меҳриё. “Опаларим зиёли, ўқимишли.

**Sening oqilona harakating uning tinchligini ta'minlaydi, – derdi onam.**



Мен, 2011 йили Андижон давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича ўқишни тамомлаб, турмушга чиққанман. Ўн йилдирки, Нукусда яшаймиз. Ўғлим ва қизим ҳам Нукусда туғилишди. 2015 йилдан буён Нукус шаҳридаги 41 сонли мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бериб келаман. 2019 йили Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетига магистратура босқичига бюджет асосида ўқишга кирдим. Ҳозирда ўзбек ва қорақалпоқ тилларида феълларнинг аффиксация усулида ясашиши номли илмий иш билан машғулман. Келгусида ҳарбийнинг академик аёли бўлиш истагим ҳам бор. Аёл қачонки бахтли, унинг ёнида уни тушунган ва доим қўллаб-қувватлайдиган азиз инсон бўлса”.

Меҳриё билан оила ҳақида мароқланиб суҳбатлашдик. У оиланинг мустақам бўлишида, аввало, катталар ўғитида амал қилиш кераклигини айтиб ўтди. “Ўйлаб қарасам, ибрат, намуна бўлиш бизга мерос экан. Бир неча йиллар аввал, бувижоним раҳматли

“**Турмуш ўртоғига бўлган чексиз ҳурмати ва муҳаббати чин маънода оилаларга ибрат бўладигандек. “Тўйимиз кун турмуш ўртоғим менга “Ҳаёт чорраҳа мисол. Менда қизил ёнса, Сиз яшилни ёқинг!” деган. Мана, шунча йиллар ўтди. Иккимизга бу сўз қоидадек, амал қилиб, тинч ва фаровон, бахтли яшаймиз”.**

маҳалламизда “Энг яхши қайнона”, онажоним эса “Энг ибратли бека” деб эътироф этилган эди. У пайтларда маҳалла овозга қўяр, ҳеч қандай тадбирлар бўлиб ўтмасди. Ўтган йили “Наврўз” байрамида ойижоним “Маҳалланинг энг ибратли қайнонаси” ва мен келин бўлиб тушган Тўлашевлар хонадони “Маҳалланинг энг ибратли хонадони” сифатида туманимизга намуна бўлган эди. Қайнотамнинг халқпарвар инсон эканлиги бугун ўғилларига ҳам ўтган. Мен бу хонадонга келин бўлиб тушганимдан фахрланаман”.

Меҳриё оиласи ҳақида тўлқинланиб гапирарди. Айниқса турмуш ўртоғига бўлган чексиз ҳурмати ва муҳаббати чин маънода оилаларга ибрат бўладигандек. “Тўйимиз кун турмуш ўртоғим менга “Ҳаёт чорраҳа мисол. Менда қизил ёнса, Сиз яшилни ёқинг!” деган. Мана, шунча йиллар ўтди. Иккимизга бу сўз қоидадек, амал қилиб, тинч ва фаровон, бахтли яшаймиз”.

Майор Абдурахмон Тўлашев ҳам табиатан босиқ, давраларда эса қувноқ образ қиёфасида намоён бўлади. Хиз-

матдошлари ҳам Абдурахмон ҳақида илиқ фикрлар сўзлашади.

Ҳар ким оилани фаҳму фаросати, тарбияси асосида қуради. Оила тўқинлиги, фаровонлиги икки инсоннинг ўзаро ҳурмати, меҳру-муҳаббат бўстони билан яратилади. Шу ўринда бир ривоятни келтиришни жоиз деб билдим. Зеро бу ривоят ва майор А. Тўлашевларнинг бахтли оиласининг ўзига хос сирлари ёш оилаларга ибрат бўлса.

Ривоят қилишларича, тинчгина тирикчилигини қилиб, меҳнат билан машғул бўлиб юрган қорақалпоқ юртига кутилмаганда ёв бостириб киради. Эл орасидаги ўн ёшдан эллик ёшгача жамики эркакларни асир олиб, қўлларини боғлаб, қул қилиш учун ўз юртларига ҳайдаб кетиш тараддудига тушибди. Қавм орасида Бибиойша исмли ёш келинчақ бўлиб, у ёв лашкарбошиси олдида қўрқмай, дадил кириб бориб, ундан элга зуғум қилмай, меҳр шафқатли бўлишни талаб қилибди. Лашкарбоши ҳеч бир мусулмон юртида бундай жасур аёлни кўрмаган экан, таажжуб ила:

– Сенинг киминг бор ўзи?, – дебди.

– Қирқ яшар эрим ва ўн яшар ўғлим ҳайдалиб кетяпти, – дебди аёл.

– Гўзал экансан, жасурликда ҳам қолишмайсан. Майли, сенга биттасини қолдираман. Айт, кимни танлайсан – деб сўрабди лашкарбоши.

– Эримни қолдиринг. Эрим омон бўлса, ҳали ўғиллик ҳам бўлаверамиз, – дебди тап тортмай.

Лашкарбоши кўзлари косасидан чиққудай чачқайиб:

– Топдинг-а, агар ўғлимни қолдир, деганингда, сени бебошвоқ деб каллангни олмоқчи эдим. Қани, энди менинг хотиним ҳам сендай вафодор бўлса! Сендай эрга садоқатли, доно аёл учун овулингдан ҳеч кимни асир олманг деб бўлсин! – деб ҳамма бандиларни озод қилиб юборибди.

Дарҳақиқат, аёлнинг донолиги ва жасурлиги туфайли нафақат битта оила балки бутун бир халқ ёвузлар зулмидан озод бўлган эди. Оила мустақамлиги ва умрбоқийлиги эрхотиннинг бир-бирига нисбатан бўлган ишончи, меҳру-муҳаббати туфайли узоқ йиллар давомида сақланиб қолади. Аёл сабр-қаноатли, хушхулқ ва саранжом-саришта бўлсагина, ҳаммиша ҳурмат-иззатда бўлади. Аёл бўлажак она, унинг ҳар бир ҳаракати фарзандларида ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам аёл зоти ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини тута билмоғи, яхши турмуш учун чин дилдан интилиши лозим.

**Шоҳиста АБДУРАҲМОНОВА,**  
**Шимолий-ғарбий ҳарбий округ**  
**матбуот хизмати.**

## VIJDON AZOBI

**А**втобус жуда дим ва тиқилинч эди. Отахонни ҳар тарафдан сиқиб, туртиб ташлашди, у навбатдаги шифокор қабулига автобусда боришга қарор қилганига афсусланди. Анча йиллар олдинги ҳолат кўз ўнгидан ўтди, гўё ҳаммаси кечагина юз бергандек. У ҳаётидаги ўша дамни ҳечам унута олмайди ва ҳамон ўзини кечирмайди.

Учинчи синфда ўқиган вақтларида автобусда мактабга кетарди. Баҳорнинг илиқ кунлари эди. У орқа ўриндиқлардан бирига ўтириб олди. Йўлдан бир қария чиқди. Тескари ўтирган бўлса-да, болакай уни кўрди, аммо кўрмаганликка

олди. Чол ночор аҳволда қийналиб, эшик ёнидаги тутқични қаттиқ ушлаб олганди. Бола унинг қачон тушиб кетганини кўрмади, бироқ кейин кун бўйи уни унута олмади, ўта оғир ва кечиккан пушаймонлик азоби қалбини тирнарди. “Нега унга жой бермадим?” – савол берарди у ҳар кунни ўзига-ўзи. Вақт ўтиб ушбу уятли хотира унутилгандек бўлар, аммо баъзи-баъзида ёдига тушганида, виждон игнаси каби санчилик турарди.

Энди эса кексайиб, ўша чол сингари дармонсиз ва бемажол бўлиб қолганида, ёши улғу инсонларга ҳурмат ва эътибор кўрсатмаётган ёшларни учратса, бу ҳолатга ачинар, яна ўша болалигидаги воқеа ёдига тушиб, минг афсус қиларди.



Автобус бекатда тўхтади, анча одамлар тушиб кетди, туриш сал қулайроқ бўлиб қолди. Бирдан унинг ёнига бир бола келди ва: “Буважон, ўтиринг, одамлар орасида сизни кўрмай қолибман,

кечиринг”, деди. Қариянинг кўзларига ёш келди. Бу ҳам алам, ҳам қувонч кўз ёшлари эди.

**Гулчеҳра АЗИМОВА**  
**тайёрлади.**

# BOSMA NASHRMI YOKI INTERNET:

qay birini tanlaysiz?

Хаётимизга интернет, ижтимоий тармоқларнинг кириб келиши электрон оммавий ахборот воситалари имкониятини анча кенгайтди. Шу боис, мутахассислар бугунги матбуотни оғир юк кўтариб кетаётган карвонга ўхшатишмоқда. Газеталар ададини кузатар эканмиз, борган сари пастлаётган рақамларга дуч келяпмиз.

Сўнги пайтларда гўё “Мажбурий обунага қаршимиз” дея жар солиб, зиёлиларни ҳам ушбу даъватга чорлаётганлар, газета ва журналлар ўрнини аллақачон интернет эгаллади, деб “ўта замонавий” фикр юритаётганлар ҳам кўп орамизда. Хўш, улар ҳақиқатми? Кучли жамият, маърифатли халқ бўлиб шаклланишимизда интернетнинг ўзи етарлимикин? Қуйида соҳа мутахассисларининг бу борадаги фикрлари билан ўртоқлашамиз...

## Газета ўқишнинг завқи бўлакча...

Хулқар УЗОҚОВА, журналист. “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзоси.

Шуни баралла айтиш мумкинки, ҳар нарсанинг ўз ўрни, мақсад ва вазифалари бўлганидек, на ахборот сайтлари, на ижтимоий тармоқлар матбуот вазифасини бажаришга қодир эмас. Бир устоз журналист ўз мулоҳазасида газета-журнални ўқиш ҳақида гапираркан, унинг ҳидини туйган ҳолда мутулаа қилиш кишига нақадар хузуру бағишлаши, буни газета ва журнални яхши кўра олган инсонгина тушуниши ҳамда дилдан ҳис қилишини айтган. Ҳа, янги чоп этилган газетани варақлаш ва ҳидини туйган ҳолда ўқиш завқи ўзгача.

Афсуски, босма матбуотнинг бугунги аҳволи, фаолияти бевосита у билан боғлиқ бўлганлар, жамият зиёлилари, миллат маънавияти ва маърифати учун жон куйдирувчилардан бошқа ҳеч кимни қизиқтирмай қўйди. Ҳатто, соҳа ривожини йўлида хизмат қилиши керак бўлган айрим масъуллар ҳам техника-технология ривожланган бугунги даврда босма матбуотдан секинлик билан воз кечиш керак, деган иддаони қилишди. Миллат маънавияти тарбиячиси саналган айрим зиёлилар, ўқитувчилар босма нашрлар учун обуна бўлишни малол билишди.

Бошқа бирлари эса ҳамма нарсани интернет орқали зумда билиб олаяпмиз, ойда бир чиқадиган журнал ҳафтада бир-иккита чоп этиладиган газеталар “тезкорлик тамойили”га жавоб бермайди, дея осонгина босма нашрлардан юз ўгирмоқда. Натижада, шартли равишда айтадиган бўлсак, босма матбуот билан алоқасиз ўтаётган даврда:

– омма орасида асл манбаси, тақратувчиси маълум бўлмаган хабарлар ёйилди;

– миллий маънавиятимиз, муқаддас динимизга раҳна солиш ниятида бўлган кучлар очиқчасига (асосан, интернет тармоқлари орқали) таҳдид қила бошлади;

– тегишли мутахассислар томонидан асосланмаган, ноўрин ва ножоиз фикрлар, хулосалар тезда тарқалиб, аҳоли орасида ваҳима, кўрқув, тушкунлик каби салбий кайфиятни оммалаштирди.

Бу рўйхат узоқ давом этади аслида. Агар омма газета-журнал ўқиганида эди, юқорида келтирилган барча ҳолатларда ҳам асл манбани қидиришни, кимга ва ёки қайси хабар тарқатувчига ишонса бўлишини, муаммо ёки бирор кулфат моҳиятини тушуниб етишни, яқинлар ва таниш-билишларга қуруқ миш-миш эмас, аниқ маълумот ва хабарларни етказишни ўрганган бўлар эди, назаримда.



## Босма нашр ўқитувчилар учун жуда зарур!

Феруза ЭШОНҚУЛОВА, инглиз тили ўқитувчиси. Қарши шаҳри.

Энг ривожланган давлатларга эътибор берсак, аҳолиси тонгни газета ва қаҳва билан кутиб олиб, юридаги ва хориждаги янгиликлардан бохабар бўлишади. Ҳаттоки автобус, метро ёки бошқа транспортларда ҳам газета ёки журнал мутулаа қилаётганларни кўп учратамиз. Бизда-чи? Қаёққа қараманг, ёшу кексанинг қўлида шاپалоқдай келадиган уяли алоқа воситаси! Ҳамма интернетда. Ваҳимали хабарлар, ёлғоняшиқ янгиликлар, бемаъни видеороликларга муккасидан кетган... Демак, минг афсуски, интернет имкониятларидан ҳамма ҳам бирдек тўғри фойдаланмаёпти.

Болалигимни эсласам, аввал “Ғунча”, кейин “Гулхан”, “Ёш куч”, “Шарқ юлдузи”, журналларини ўқиб улғайдик. Онам ўқитувчи бўлгани учун таълимга оид газета ва журналлар билан бирга “Ёшлик” ва “Шарқ юлдузи”нинг доимий обуначиси эдилар. Бизларга “журналларни йиртиш, буклаш мумкин эмас. Улар ҳам нондай азиз”, деб ўргатишарди. Улардаги ҳикоя, шеър, роман ёки киссаларни ўзгача қизиқиш билан ўқиганман. Айниқса, каттароқ асарларнинг “давоми кейинги сонда” бўлгани боис интиқлик билан кутардим...

Ҳозирги кунда ҳам бир қанча газета ва журналлар доимий ҳамроҳим. Ўқитувчи бўлганим боис босма матбуот, айниқса, биз ўқитувчилар учун жуда зарур, деб ҳисоблайман. Инсоннинг маънан юксалиши, дунёқарашининг кенгайиши, тафаккури тиниқлашиши, ақлий салоҳияти равшанлашиши учун ҳам газета ва журналларнинг аҳамияти беқиёс.

Яна бир ҳақиқат шуки, “Instagram”, “Facebook”, “Youtube”, “Telegram” сингари тармоқлар қанчалик тез оммавийлашмасин, барибир одамларнинг газета ўқишга, ундан маънавий озуқа олишга

бўлган эҳтиёжи сақланиб қолаверади. Чунки босма нашрларни олий маълумотли журналистлар, тилшунослар, адиблар, шоирлар, турли соҳа олимлари ва педагогларининг ўзаро ҳамкорликдаги машаққатли меҳнати самараси деб биламан.

## Обуна бўйича тарғибот ишларини кучайтириш лозим

Камола АБДУВАЛИЕВА, “Миллий тикланиш” партияси Андижон вилоят Кенгаши матбуот котиби.

Ахборот бозорида танлаш имконияти кенгаймоқда. Рақобат ҳам авжига чиқаётгани аниқ ҳақиқат. Бу жараёнда оддий воқеликни бўрттириб, қора пиар қоғозига ўраб, унинг харидорлигини ошираётган олғир ахборот тарқатувчиларининг қўли баланд келаятигани ҳам тан олиш керак.

Босма матбуотни қўллаб-қувватлаш учун ўтказилаётган ўқув-семинарлари, давра суҳбатларининг ташкил қилинаётгани, қалам аҳлининг бу борада куюниб, мақола ва мулоҳазаларини ОАВларида баён этиб бораётгани ҳам қувонарли ҳол, албатта. Аммо уларнинг молиявий қўллаб-қувватланиши энг муҳим масала бўлиб қолаверади. Фикримизча, туман-шаҳар газеталари чоп этилишини бюджетдан молиялаштириш, таҳририятларни моддий қўллаб-қувватлаш лозим. Акс ҳолда, таҳририятлар бирин-кетин ўз фаолиятларини тўхтатишда давом этади. Аммо яшин тезлигида кечаётган ҳозирги ахборот алмашинуви жараёни ҳамда рақобат муҳитида миллий ахборот маконимизни сақлаб қолишимиз ўта муҳим масаладир.

Ўрганишларимизда, 2017-2018 йилларда вилоятлар, туман, шаҳар ҳокимликлари томонидан босма нашрларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилган. Бу асосан обуна ташкил этиш ишларида ўз аксини топган эди. Бироқ уларга охириги йилларда бундай амалий ёрдам кўрсатилмади. 2021 йил учун муассисла-

римиз “ҳиммат” кўрсатадиларми-йўқми, билмадим?!

Аммо шуни аниқ тахмин қилиш мумкинки, муассислар ўз ҳудудларидаги босма нашрларга маблағ ажратмаса, ўзи шундоқ ҳам жар ёқасига келиб қолган газеталар билан видолашишимизга тўғри келади.

Бироқ “Қўл билан берганга, қуш тўйма” деган нақл бежизга айтилмаган. “Қиш ғамини ёзда е” деганларидек, обуна бўйича тарғибот ишларини ҳозирдан кучайтириш, газеталар аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғибот қилиш ҳам зарурдир.

Лекин бош муҳаррирларимизга ҳам айтаримиз бор. Аллақачон давр ҳам, ахборот бозорининг талаби ҳам ўзгарган. Таҳририятлар фаолиятини ташкил қилишнинг бошқа механизмларини ишга солиш даври келди. Муштарий сизнинг газетангизга бир йил олдиндан тўлов қилар экан, у албатта ушбу нашрга обуна бўлиб, мутулаа завқини туюшига ишониши керак. Ахир бугуннинг одамлари газетга сомса ёки гўшт ўраш учунгина обуна бўлишмайди-ку.

Бугун бутун дунё интернет тармоғидан кенг фойдаланади. Уларда босма матбуот ҳам яшамоқда. Бироқ биласизми, нега ривожланган давлатларда ҳалигача босма матбуот ўз долзарблигини йўқотмади, нега интернетга ўз ўрнини осонликча бўшатиб бермади?! Балки, биз бу борадаги халқаро тажрибаларни ўрганишимиз ва амалиётда қўллашимиз керакдир?!

## Босма нашрда жуда катта куч бор

Шаҳбоз ЗАРИПОВ, Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси бош мутахассиси.

Ҳақиқатан, бугун босма матбуотнинг аҳволи долзарб мавзулардан бирига айланиб бормоқда. Яқиндагина Юртбошимиз ҳам 1 октябрь – Ўқитувчи ва мурабийлар куни – умумхалқ байрами арафасидаги нутқларида газета ва журналларнинг бугунги аҳволи, обуна масаласига ҳам тўхталдилар: “Афсуски, биз кейинги йилларда “мажбурий обуна” баҳонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик. Бунинг натижасида мактаб ва олийгоҳларнинг ўқитувчи ва домлалари ўзлари учун зарур бўлган газета ва журналлардан ажралиб қолди. Шундай аянчли ҳолга келдикки, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мақтанадиган бўлдилар.

Интернет ёрдамида хабар ва янгиликларни тез, осон ўқиш имконига эга бўлдик, бунга ҳожат қолмади, дегувчилар хато ўйлашади. У сизнинг фақат ахборотга бўлган кунлик эҳтиёжингизни қондиради, холос. Тафаккурингизни ўстирмайди, мушоҳада қилишга ундамайди, саводхонликни оширмайди. Босма матбуотда эса ана шундай куч, имконият мавжуд.

## Хулоса

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, босма матбуотнинг ҳаётимиздаги ўрни, долзарблиги ҳеч қачон йўқолмайди. Чунки миллат маънавиятини асрашда, ёшлар қалбига миллий ғурурни, ватанга садоқат ва муҳаббатни, миллий қадрият ва анъаналарга ҳурмат ҳиссини синдиришда, бу туйғулар умрбоқийлигини таъминлашда матбуотнинг ўрни беқиёс. Аслида биз босма матбуотни эмас, унинг тимсолида маънавиятимизни ҳам йўқотиб бораётганимизни англашимиз керак. Шу маънода Президентимизнинг босма матбуотга қаратган эътиборини келажакка эътибор, деб тушунмоғимиз лозим.

Камола АҲМЕДОВА тайёрлади.

# SERIALPARASTLARGA

## AYLANAYOTGAN

**Ҳақиқат  
ҳамиша аччиқ  
бўлган. Аммо ҳар са-  
фар шу мавзу ҳақида гап  
кетганда қўл силтаб юбор-  
гинг келади. Нимага дейсиз-  
ми? Кимни қулоғига танбур  
чертяпман, ўзим билан ўзим  
гаплашпманми, деб ўйлаб  
қоламан баъзида. Чунки  
ҳозирги ахборот оқими, гло-  
баллашув кенг томир отаёт-  
ган бир вақтда тарихда мада-  
ниятлар қоришмасига нисба-  
тан ишлатилган атама яъни  
элинллаштириш жараёни-  
шиддат билан бормоқдаки,  
бу қайсидир нуқталарда ижо-  
бий натижа бераётган бўлса,  
баъзи ўринларда салбий  
томоннинг тарозиси посанги-  
ни босиб кетмоқда.**

Очиғини айтиш керак, биз ўзбекларда ёзувчи Саид Аҳмад таъбири билан айтганда “Хўрозқанд чет элники деса...” ибораси жудаям авж олган. Бугун фикрлашадиганларимиз балки “сийқа” сиз учун мавзу чиқар. Лекин қачонгача жим туриш, кўз юмиш билан чекланамиз?! Коммуникация, техника ва инновацияни шаклланиши натижа-сида юртимизда деярли ҳар бир соҳа ривожланишнинг янги босқичига ўтди. Давлат телеканаллари билан биргалик-да, хусусий каналлар ҳам ўз фаолияти-ни олиб бормоқда. Албатта, бу яхши. Рақобат қанча кучли бўлса, соҳада натижа, ўсиш бўлади. Ачинарлиси, биздаги баъзи телеканаллар хайп, рейтинг мусобақасига шу даражада бе-рилиб кетганки, эфирга олиб чиқаётган кўрсатув, шоу ва сериаллар, ҳатто реклама роликларининг ҳам савияси, ғояси билан қизиқишмайди. Умуман олганда, танқид остига олаётган бўшлиқ бу – турк сериалларидир. Асосан, уй бекаларимиз томошагоҳига айланган “сериаллар жанги” қайсидир маънода вазифасини яхшигина “оқламоқда”. Аёлларимизга қўшилиб, улар ёнида гўёки дарс қилиш, ўйинга берилиш билан овора бўлаётган болаларнинг хоти-раси Камол, Нихон ва ёки Шахика исм-лари ва тарбияси билан тўлаётганига нима дейсиз?! Жигаргўшаларимизнинг психологиясини биз бонг ураётган ғарб мультфильмлари ҳам йўлда қолиб, бир дастурхон устида, оила ёнида кўришга истиҳола қиладиган сериаллар забт этишга улгурмадимикин?! Бўлган воқеа. Яқинда уйимизга узоқ қариндошимиз невараси билан келди. Қизалоқ ё 2 синф, ё 3 синф бўлса керак. Бироз муд-дат меҳмон бўлган қизалоқнинг телеви-зор олтидан кетмай ўтиришини айтмай-сизми? Яна телеканаллар дастуридан тортиб, қайси вақтда қандай кўрсатув, сериал бўлишини ҳам тўтиқушдек так-

рорлайди. Ҳаммасидан ошиб тушгани, болаларга хос беғуборликдан нишона ҳам қолмаган қизалоқ мультфильм кўйиб берсам, тамоман бош тортса, денг! Ўзини кўрадиган сериалла-ри бор экан(!) “Қора ният”, “Эзель”, “Элчининг қизи”, “Золим Истамбул”, “Бобил”.... Санаса адоғига етмайдиган бу сериалларнинг номидан ҳам одам чўчиди. Ёшгина қизчага бун-дай бефарқлик қилиш шавқатсизлик эмасми?! Қандай она эканки, катта одамнинг ҳам тушунчаларига таъсир қиладиган сериални кўйиб олиб, ёнига вояга етмаган қизини ҳам томошабин қилиб ўтирса?! Йиллар ўтиб, бундай боланинг онгига муҳрланган уятсиз саҳналар, шовқинли кадрлар, кийи-

ниш, қаҳрамонларнинг ўзини тутиши ўзбек қизларида, аёлларида такрорланмаслигига ким кафил бўла олади?! Хайп, рейтинг учун курашаётган телеканал масъулла-рими ёки телевизор қаршисига ўзидек болаларини ҳам “михлаб” қўйган ота-оналаримизми?! Оғриқли савол бўлди а? Аёлларимиз, кўпинча ёш оналари-миз берилиб кўраётган турк сериал-лари уларнинг ўзини ҳам анча “ботир”, “биринчи рақамли” қилиб қўймоқда! Қандай қилиб дейсизми? Андишасизлик, бетгачопарлик, шошқалоқлик, катталарга бўлган муносабатда-да! Қайнона-келин, ота ва қиз муносабатларидаги бир-бирига

каналга олмай, сериал! Мажбур бирини танладим. Турк сериали экан. Озгина кўрдим. Сериал сюжетини қаранг: бир аёл (ёши ҳам 60 га қараб кетган) жуфти ҳалолидан ўч олиш мақсадида ва катта бойлик илинжида укаси билан режа ту-зиб, ёш бир қизни эрига жазман қилиб тайёрлайди. Ва натижада ёш қизга ҳам отаси тенги одам ёқиб қолибми, ёки бойликлари йўлдан оздирибми, режани бузади ва натижада эркакнинг қонуний хотини энди икки кишидан қасос олишга киришади... Бу қайси ўзбек оиласининг менталитетига тўғри келади?! Фақат ҳайрат ва ажабланиш, ёқа ушлашдан нарига ўтмайдиган образларнинг диа-логларида онанинг қизга, аканинг укага, опанинг сингилга бўлган нафрати шу даражада акс этадики, булар инсон болалари эмас, шекилли, деб ўйлаб қоламиз. Аксарият турк сериаллари-нинг саҳна фонидида брендлар рекла-маси, енгил ҳаёт тарғиботи, кийиниш маданиятининг бузилганлигини кўриш мумкин. Биринчи марта кўрган одам-ни қизиқтира оладиган элементларни қалаштириб ташлаган сериал режиссёр ўз мақсадини аъло даражада “уддалаб” келмоқда. Ўзбек аёлларимизга бошида бир, икки марта кўрган тасвирлар уятли, бачкана туюлган бўлса, кейинчалик ўша кадрлар кўникиш ҳиссини ҳосил қилиб, турклашиш авж палласига кирмоқда. Тўғри, ўзбеклар ва турклар туркий миллатларга мансуб бир уруғ, улус бўлиб, кўп довлонлардан ўтишган, уларни ажратиб бўлмайди, дерсиз. Аммо миллат ўзлигини йўқотаётган бир пайтда, яшаш тарзи, кийимларнинг ўзлашмаси, туғилаётган фарзандларга қўйилаётган исмлар, муомала чегара-сига дарз кетаётгани, руҳий томондан меъёрий ҳолат эмас. Ўзлимизни йўқотиб кўяётгандекмиз. Ташвишлар-дан, чарчоқлардан сўнг телевизор қаршисига ўтирган хоҳ аёл, хоҳ эркак бўлсин, стресс ва депрессия “майдон-нига” тушиб қолади. Турк сериаллари қисмларини шунчаки хотиржам, мада-ний ҳордиқ олиш учун жимгина кўра олмайсиз. Шу сабабдан психологик жа-раённи бошқараётган жимжимадорлик барчани бирдек сеҳрлайди.

Сўзимиз сўнгиди телеканал-лар масъуллари, жамоатчиликнинг фаол қатлами, интернет, ижтимоий тармоқларга ипсиз боғланган “ёш туркларимиз”дан эртанги кун, миллат келажига учун воз кечиши керак бўлган иллат ёхуд рейтинг пойғасини тўхтатиш вақти келмадимикан, деган ўринли му-рожаат билан юзлансак, тўғри бўлади, назаримизда. Аёлларимиз, эртага она бўладиган қизларимиз туркпараст бўлиб бораётганига лоқайд қараб, ўзбек момолари, юзидан нур ёғиладиган бу-вижонларини йўқотиб қўйишдан наҳот кўрқмасак?! Саволлар бисёр, жавоб эса, ҳар доимгидек ўзимизда. Атроф-даги кўшнимиз, ўртоғимиз, қариндош ёки оддий инсон сифатида яхшилик қилиш илинжида бўлсак, ҳозирги кун учун даҳшатли “вирус”дек онгимизга, ўзлимизга ёпишаётган захарли зи-рапчага ўхшаган иллат ва беъмани сериалларга вақт кетказаетганларни туртиб қўяйлик! Зора уйғониб, ўз мақсадлари томон олға боришсин, жамиятга қўшилсин, эл бўлсин, халқ бўлсин!

**Чўлпоной АҲМЕДОВА,**  
журналист.



Ҳаммасидан ошиб тушгани, болаларга хос беғуборликдан нишо-на ҳам қолмаган қизалоқ мультфильм кўйиб берсам, тамоман бош тортса, денг! Ўзини кўрадиган сериаллари бор экан(!) “Қора ният”, “Эзель”, “Элчининг қизи”, “Золим Истамбул”, “Бобил”.... Санаса адоғига етмайдиган бу сериалларнинг номидан ҳам одам чўчиди.

бўлган ошкора таҳдидлар саҳналарини-ку айтмаса ҳам бўлади. Жа унчалик-масдур дейишингиз табиий. Чунки телеканаллардан эфири тақиқланган сериаллар намойиши интернетда “оқиб” турибдику, деган ҳақиқат ҳам тахирлиги билан нафақат тилимиз таъ-мини, балки онгимизни-да бузиб юбора-ётгани ачинарлидир! Наҳотки, маълум маънода ғарбона сайтлар, бузуқлик, фаҳшни тарғиб қиладиган сериал-ларни мониторинг қилиш, назоратга олиш, текшириш мумкин бўлмаси?! Бу бефарқлик жар ёқалаб кетаётганларни кўра била туриб, уларнинг йўлини яна-да қисқартириш эмасми?

Куни кеча кўлимга телевизор пулти келиб тушди. Аксига олиб, қайси теле-

## RIZQ UCHUN HARAKAT ZARUR

**Ривоят қилишларича чақалоқ дунёга келиши билан унинг ҳовучига тўлдириб ризқи солинар экан. Шу пайт ёвузликлар қироли шайтони лаъин пайдо бўлиб ҳалиги ризқни сочиб юбораркан. Чақалоқ чирқираб йиғлай бошлар – менга аталган ризқни шайтон ерга сочиб юборди, энди мен нима қиламан, деркан. Шунда фаришталар – энди сен умринг давомида шу сочилган ризқингни излаб, топиб яшайсан, деб жавоб беришар экан. Албатта бу бир ривоят холос.**

Аммо бугун инсон еб-ичиш илинжида ризқ излаб мағрибдан машриққача кезмоқда. Аслида бир тўғрам нону, бир пиёла сув билан тўядиган қорнимиз ташвиши билан бошимизни қаерларга урмаймиз, не-не балоларга гирифтор бўлмаймиз. Шоир айтганидек,

**Киприқдан ҳам қисқадир  
молу-дунё ўйларни,  
Ибрат бўлсин Искандар  
очиқ кетган қўлларни.  
Узат дейсан, бер дейсан,  
ҳеч тўймадинг одамзот,  
Туя тўйди, фил тўйди,  
сен тўймадинг одамзот.**

Тўғри-да, инсон қанча уриниб чиранмасин ризқидан ортиғини ололмаслигини билса-да барибир кўзи тўймайди. Йиллаб хориж юртларида сарсон кезади, қават-қават иморатлар солиш, ҳафталаб тўй қилиб элга ош бериш, сўнги модада кийиниш-у сўнги русумдаги автомашинани олиш умидида ризқидан ортиғига интилади. Муқаддас ҳадису-шарифларда лутф қилинишича: “Қуш эрталаб инидан чиқиб кетаётганда қанчалар оч, қайтаётганда қанчалар тўк бўлгани каби Аллоҳ ҳар бир бандасини ризқлантириб кўяди”.

Аслида “ризқ” сўзи кенг маънода еб-ичиладиган, кийиладиган, моддий ва маънавий жиҳатдан фойдаланиладиган барча эҳтиёж турларини ўз ичига олади. Ҳар бир жонзот хоҳ туғилгунга қадар, хоҳ умри давомида бўлсин турли хил ризқлар билан озикланади, камол топади ва умргузаронлик қилади. Ҳаётни берган зот гуруҳ-гуруҳ қилиб жонли мавжудотни йўқлик зулматидан борлик дунёсига жўнатар экан, ризқларини ҳам кафолатлаган тарзда юборади. Яратган токи ҳаётдан кўз юмгунча уларнинг ризқини етказиб туради. Ахир дунёга келганимизда ҳамма нарса шай эмасмиди? Ахир куёшнинг чиқиб-ботиши, ёмғирнинг ёғиши, сувларнинг оқиши, дарахтларнинг ўсиши, атрофимизнинг тоза ҳаво билан ўраб қўйилиши борасида бизнинг ҳеч қандай иштирокимиз ва ҳиссамиз бўлмаган. Чунки бизга ҳаётни бахш этган Аллоҳ ҳаётимиз учун зарур бўлган ҳамма нарсани ҳозирлаб қўйган ва вафот этганимизгача ризқимизни кесмаслигини билдириб, бизни ортиқча қайғудан халос қилган. Лекин биз нафс деган балонинг кўйига кириб белгиланган ризқимиздан ортиғига интиламиз.

Биз хом сут эмган бандалар боламга-чақамга деб тиним билмай йиғиб терамиз. Ахир уларнинг ҳам белгиланган ризқ-насибаси бор-ку, деймаймиз. Биз улар учун йиғиб терсақ тайёрига айёр бўлган фарзандларимиз бор нарсаларнинг қадрига етармикан, деб ўйламаймиз. Ёки ўзлари тиришиб-тирмашиб ҳаракат қилиш, меҳнат билан пул, обрў, мартаба топиш кераклигини



англаб етмаймиз.

Ўқувчилик йилларимиз Сардор исмли синфдошимиз бўларди. Унинг дадаси қўшни туманда ҳоким эди. Шу сабабли Сардор мактабда эркатой бўлиб ўқиди. Ўқитувчиларимиз ҳам унинг мактабга келиш келмаслиги, дарсга кириш ёки кирмаслиги билан ҳисоблашмас, атрофида унинг соясига салом берадиган дўстлари кўп бўлиб ҳамма унга куллуқ қиларди. Мактабга уйи унча узоқ бўлмасда отасининг ҳайдовчи келтириб кўяр, болалар ўртасидаги мушталашулар у сабабли содир бўлар, аммо

доим сувдан куруқ чиқар эди. Мактабни тамомлаган Сардор энг нуфузли олийгоҳга ўқишга кирди. У ерда ҳам худди мактабдаги каби отасининг сояси давлатидан баҳраманд бўлиб юрди. Аммо охир-оқибат ўзи меҳнат қилиб эришмаган олийгоҳ ҳам, диплом ҳам ўзига буюрмади. Отаси ишдан кетгач Сардорнинг ҳеч ким эмаслиги маълум бўлиб қолди. Бугун у хорижда мардикорлик қилаётган экан.

Азимжон ака тўрт фарзандни савдогарлик билан топган даромади билан вояга етказди. Икки ўғли тезгина ёнига кирди, каттаси отасига қўшилиб мол учун хориж сафарларига бориб юрди. Кичиги бўлса бу ерда дўконини юргизди. Икки қизни дабдаба билан ўзи каби савдогар оғайнларига келин қилиб узатди. Каттаси беш йилдирки бефарзанд, кичиги бир йилга ҳам етмай ажрашди. Ўғилларининг бўлса кичиги бир қизнинг номусига тегиб қамалиб кетди. Каттаси ўздан етти ёш катта, рўзгор кўрган аёлга уйланди. Баъзан аёлига – хотин биз қаерда адашдик, нега фарзандларимизнинг тақдири бунчалар аччиқ бўлмаса, деб ҳасрат қилиб қолади. Хотини бўлса бир сўз айтолмай тилини тишлайди, бўғзига тикилган фарёдини ичига ютади – ахир сиз савдогарлик қиляпман, деб қанчалар одамларни алдадингиз, хиёнат қилдингиз, пулингиз кўплигидан қанча қизларни йўлдан урдингиз, болаларга ҳалол ризқ едирмадингиз, бировларни алдаб пулини олдингиз, судхўрлик билан шуғулландингиз. Мана оқибатда жазо қиёматга қолмади, жабрни сиз эмас фарзандларимиз тортяпти. Ҳамма бало ҳаромнинг касри, ҳалол луқма едирмаганингизда. Ҳамма офат борига қаноат қилиб, белгиланган ризқимизга шукр қилмаганимиздир...

Бир танишимнинг куёви автоҳалокат туфайли вафот этди. Ўлим ҳеч кимдан сўрамас, ҳатто бу ёш ёки бу кекса деб ўтирмас экан. Эндигина ўттиз ёшни қаршилаган йигит бевақт ҳаётдан кўз

**“**  
**Зеро, ҳаёт – ҳаракат демакдир, ҳаракатсизлик эса ўлим ва йўқликнинг аломатидир. Энг кичик ҳашаротни ҳам ризқсиз қолдирмаган чексиз раҳмат эгаси энг олий мавжудот бўлган инсоннинг ризқини таъминламай эътиборсиз қолдириши мумкинми?**  
**”**

юмди. Гулдай аёли бева, икки нафар фарзанди етим қолди. Таъзияга борганимизда ўша танишимиз бир сўзни айтди – инсон ўзига белгиланган ризқдан ортиғини ютолмас экан. Куёвимиз бир неча кун комада ётди. Ўзига келгач бизда умид уйғонди, хайрият оёққа туриб кетар экан дедик.

Бир неча кундан сўнг у эрталаб биз билан нонушта қилиб, тушликка ўзи ёқтирган таомни тайёрлаб келишни хотинига буюрди. Қизим ўзида йўқ хурсанд, учиб-қўниб уйига кетди. Тушлик пайти куёвим безовта бўла бошлади, ўзи

ёқтирган ва кутган таоми етиб келганда эса уни ейиш насиб қилмай бандаликни бажо келтирди. Банданинг ризқи туғгани шу бўлса керак-да.

– Ўзим Фарғонада туғилдим, Тошкентда ўқиб курсдош йигит билан севишиб Қашқадарёга турмушга чиқдим. Бугун турмуш ўртоғимнинг иши юзасидан оиламиз билан Самарқандда яшаймиз. Баъзан бу тақдирми ёки менинг ризқимни турли хил жойларга сочганими деб қоламан, – дейди суҳбатдошим Назира опа.

Ушбу воқеалар ўйлаб топилган эмас. Ҳаммаси ҳаётини ҳақиқатлар. Ризқ борасидаги ушбу мулоҳазалар кимнидир ўйлашга, кимнидир тўғри йўлга солишга, кимгадир ҳақиқатни англашга ёрдам берад эҳтимол. Зотан, ризқ илоҳийдир. У ҳалолликни севади, ҳаромдан ҳазар қилади.

Бир замонлар инсонлар ёқилғи сифатида ўтин ишлатишарди. Кейин кўмир, ундан кейин нефть топилди. Булар анча аввал беркитилган тарзда дунё учун захира қилиб қўйилган эди, шу ҳикматга биноан биз ризқ борасида ортиқча ташвишланмаслигимиз керак. Фақатгина унга эришиш учун озгина ҳаракат қилсак кифоя. Шунинг учун ҳам очликдан ҳеч ким ўлмайди. Ўлмайдиган миқдордаги ризқ эса барчага берилади.

Олимларнинг изохлашича, кўпинча ризқ баданимизда ёғ

тўқимаси шаклида тўпланади ва бу захира инсонга ҳеч нарса емаган тақдирда ҳам қирқ кунга етадиган даражада бўлади. Ҳатто Англияда бир киши ўтган асрда 75 кунгача оч яшай олган. Демак, ризқсизликдан, очликдан ўлим йўқ.

Шунингдек, ризқ борасида ҳайвонот дунёсига назар солсак, инсонни ҳайратда қолдирадиган манзараларга дуч келамиз. Жумладан, Шимолий Америкада яшайдиган халтали сичқонни тежамкорликда инсонларга сабоқ берадиган жонзот дейиш мумкин. Бу ҳайвоннинг танасида иккита халтаси бўлиб, бирор озуқа топганида агар қорни тўқ бўлса, ана шу халталарига солиб қўяди. Қорни очганида бир силкиниб ўша озуқасини чиқаради-да тановул қилади. Юмронқоziқ совуқ кунларида тўрт ойгача қишки уйкуга кетади ва ўзи учун икки килога яқин, яъни 1000-1500 тагача чувалчанг йиғади. Юмронқоziқ озуқасини ўлакка сифатида сақласа сасиб кетишидан, тирик қолдирса тарқалиб кетишидан хавотир олиб уларни бош қисмини узиб олади. Шу тариқа уларнинг қочиб кетишининг олди олинади ҳамда тирик сақланиши таъминланади. Хунхўр қуш ўз ризқини ғалати шаклда топади. У иккита тухум қўяди. Уларнинг биридан жўжа очар, иккинчисини эса озуқа сифатида ишлатар экан. Айёр тулкининг ризқини топиши учун қандай хийлалар ишлатиши тилларда дoston бўлган. Товуқхонага шундай шовқинсиз кирадики, ҳатто товуқлар сезмай қолади.

Қурбақа эса ўлжасини ўтирган жойида ҳам тутиб олаверади. Олди-дан учиб ўтаётган қўнғиз ёки чивинга тилини узатса кифоя, тилидаги ёпишқоқ суюқлик воситасида уни дарҳол ушлаб олади.

Бунга ўхшаш мисолларни жуда кўп келтириш мумкин. Жонли табиатдаги сон-саносиз, катта-кичик барча ҳайвонларнинг ризқини ўз вақтида ва керакли миқдорда адаштирамай, чалкаштирамай бериб турган, ҳеч бир жонзотни оч қолдирмаган зот ўз қудратини шу тариқа намойён этмоқда. Шу тўғрисида жонли мавжудотлар ризқ учун ҳаракат қилиб, ялқовлик ва танбалликни ўзларидан йироқлаштиради. Эҳтиёж уларни ҳаракатга келтирувчи қамчи, очлик эса турткиловчи куч бўлади. Зеро, ҳаёт – ҳаракат демакдир, ҳаракатсизлик эса ўлим ва йўқликнинг аломатидир. Энг кичик ҳашаротни ҳам ризқсиз қолдирмаган, чексиз раҳмат эгаси энг олий мавжудот бўлган инсоннинг ризқини таъминламай эътиборсиз қолдириши мумкинми?

Ҳар бир жонзотнинг ризқини Аллоҳ ўз зиммасига олган дегани, камида ҳаёт учун зарурий миқдорда ризқни кафолатлаганидир. Аллоҳ инсонга ризқ ўлароқ дарахт шоҳида мевани пиширади, аммо оғзига солиб қўймайди, албатта. Чунки унга мевани шоҳдан узиб олиш учун қўл, чайнаш учун оғиз ва тиш, ҳазм қилиш учун ошқозон берилган. Демак, аслида биз туғилмасимиздан илгари тақдиримизга битилган ризқ учун озгинагина ҳаракат лозим холос. Қолганини эса олий ҳакам вақт кўрсатади.

**Феруза  
ОРИПОВА.**



# QALBIDA QUYOSHI BOR BOLALAR

## ШАҲЗОДА: “ҲАЁТ”НИ ЯХШИ КЎРАМАН

– Ўтган куни “отловка” – (кўчадаги дайди итларни вақтинча тутиб турадиган махсус жой)дан олиб келинган сариқ кучук қайси катакка жойлаштирилганди.

– Бешинчига...

– Бир ҳафта олдин кўчадан топилган кулранг холли кучук боласичи?

– Юринг, кўрсатаман, охиригина хонада, анув онасини машина уриб кетган тўрт кучук болаларига қўшиб қўйганмиз...

Шаҳзода Отабекова 10 ёш, асли чирчиқлик, айни пайтда онаси билан Қибрайдаги “Ҳаёт–Жизнь” бошпанасиз итларга меҳр-шафқат кўрсатиш уйида яшайди. Икки мингга яқин кучукнинг қайси хонадалигию отигача билади. Уларнинг бу ерга қандай келиб қолгани, келгунча бошидан ўтказган оғир кунлари, характери кўзини юмиб айтиб бера олади.

– Шаҳзода менинг жуда катта ёрдамчим, – дейди 40 йиллик иш стажига эга бўлган ҳайвонлар шифокори Базарбай ака Бўриев. – Ҳатто энг жаҳлдор, оқ халат кийган шифокорни кўрса ғажиб ташлашга тайёр кучуклар Шаҳзодани кўрса тинчиб қолади. Унинг болаларча бегубор, меҳр тўла қалбига ишонгиси келади. Мана бу иккита волеер кўчадан топиб олинган, ҳамма жойини яра-чақа босиб кетган кучуклар учун ажратилган. Қўшни хоналарда машина уриб кетган ёки бошқа фалокат туфайли жароҳат олган, ҳатто одамлар томонидан озор етказилган жониворлар бор. Уларни укол қилаётганимда Шаҳзода ушлаб ёки силаб турса тинчиб қолади.

– Қаранг, булар келганида жуни тўкилиб кетган эди, – дейди Шаҳзода. – Мана ҳозир жуни ўсиб қолди. Биз бу касал ҳайвонларни беш марта овқатлантирамиз. Бошқа кучукларга бериладиган овқатлардан бермаймиз, ўзларининг махсус емаклари бор.

Шаҳзодани атрофида устида кийими бор кучукча айланиб ирғишлайди.

– Бу мени эркатоим Ника. Зоти шунақа жуни йўқ кучукча, совқотмаслиги учун устига кийимча тикиб берганман.

Шаҳзода кийимни очиб кучукнинг баданини ушлаб кўради: – Қони қайнаб кетибди, ҳозирча тугмаларини бўшатиб қўйишим керак.

– Сенга тикишни ким ўргатган?

– Ойим, ўзим интернетдан ўрганганман. Менга яқинда



**Шаҳзода Отабекова 10 ёш, асли Чирчиқлик, айни пайтда онаси билан Қибрайдаги “Ҳаёт–Жизнь” бошпанасиз итларга меҳр-шафқат кўрсатиш уйида яшайди. Икки мингга яқин кучукнинг қайси хонадалигию отигача билади.**

хомийларимиз яъни яхши инсонлар тикув машинаси совға қилишди. Ҳозир мен дарсдан бўш пайтларимда кичкина касал, жуни тўкилиб кетган кучуклар учун кийимчалар тикаяпман.

– Ўқишларингга чалғимайсанми?

– Йўқ, бу ерда ҳамма шароит бор. Ноутбук олиб беришди, онлайн дарс қиламан. Ҳамма фандан баҳолашим беш. Агар диктант ёзишим керак бўлса “Ҳаёт”нинг директори Ирода опа Маткаримова шахсан ўзлари машинада мени мактабга олиб борадилар.

– Ўзинг тенги болаларга нима деган бўлардинг?

– Ҳайвонларни яхши кўриш керак. Яқинда Фарғонадан бир тенгдошим келди. Отасини ҳоли жонига қўймабди, шу ерга олиб келиши учун. Кучуклар учун озроқ пул йиққан экан. У жудаям хурсанд бўлиб кетди. Менга ўхшаган болалар кўпаяётганидан хурсандман.

– Мактабни битиргач қайси соҳани танламоқчисан?

– Ҳайвонларни тузатадиган шифокор бўламан, яна бир гап айтайми, “Ҳаёт”ни яхши кўраман, келгусида Ирода Маткаримованинг изидан бораман, “Ҳаёт” келажакда меники бўлади...

Шаҳзоданинг тенгдошларига қараганда ҳайвонларга муҳаббати ва муносабати ўзгача, дунёқараши ҳам бошқача эканлигини хайрлашаётганимда айтган мана бу гапларидан билса бўлади: “Мени биласизми, нима таъсир-

лантиради ва хафа қилади, телеграмда бир обуначимиз ёзганидек, зотли итларни ҳам кўчага ташлаб кетаётганини кўрадиган замонларга етиб келдик”...

## КРИСТИНА: “БУ МЕНИНГ ХОББИМ ЭМАС, ҲАЁТИМНИНГ МАЗМУНИ”

Шаҳзодадек ҳайвонларни шунчаки яхши кўрадиган эмас, ўзгача меҳрли болалар дунёнинг ҳар бир чеккасида бор. Уссурийсклик Кристина атиги 16 ёшда. Унинг ижодий ғояларини онаналари доимо қўллаб қувватлашган. Аммо бир куни у: “Мен итларга ногиронлар аравачасини ясайман” деб ўз ғоясини айтганида ота-онаси ҳайратда қолди, лекин ушбу ғоя эзгу хобби сифатида қўллаб-қувватланди.

– Ногиронлар колескаларини яратиш ғояси ўз-ўзидан пайдо бўлмади. Бир куни мен ногирон итни кўриб қолдим ва у менга жуда таъсир қилди, – дейди Кристина Станкова “Комсомолская правда” муҳаббатида.



берган интервьюсида.

Кристина биринчи аравачасини икки йил олдин ясаган. Аввалига у ногирон ҳайвонлар ҳақида интернетдан маълумотларни ўрганди. Ниҳоят пластмасса қувурлар ёрдамида илк аравача ясалди ва ўз эгасини топди. У иккинчи аравачага шунчалик тез буюртма оламан деб ўйламаганди. Кейин иккинчи, учинчи аравача ясалди... Югуролмай судралиб юрган итларнинг аравачада югуришни

бошлаганини кўрган Кристина уларни томоша қилиб завқланар ва бу адресналин ва яна, яна шундай аравачалар ясашга туртки бўларди.

Биринчи аравачани Кристина 2018 йил март ойида ясаган. Сўнгги икки йил ичида унинг ютуқлари катта ғалабалар билан тўлдирилди. Айни пайтда унинг ҳисобиди 20 та ногиронлар аравачаси бор, улар итлар учун аллақачон ногирон бўлган оёқ ўрнида оёқ вазифасини ўтамоқда. Битта буюртма ҳатто Краснодар ўлкасидан ҳам келди. Аравачани почта орқали жўнатишди.

Кристина аравачаларини бизнес учун ясамайди. Бу ҳақда у интервьюсида шундай дейди:

– Йўқ, мен ҳеч қачон одамлардан пул сўрамайман. Мен ҳатто уяламан, чунки мен буни эгаси учун эмас, балки итлар учун қиламан, – дейди Кристина. – Итдан нимани олишим мумкин? Бизда ижтимоий тармоқлардаги мухлисларим менга моддий ёрдам беришади, бунинг учун мен чексиз миннатдорман.

У имконияти чекланган ҳайвонларга ёрдам беришни давом эттириш ниятида.

– Мен ҳеч қачон аравачалар ясашни рад қила олмайман. Мен ҳеч қачон ҳайвонларни севишдан тўхтамайман, – дейди ҳунарманд. – Бу менинг жонимнинг бир қисми, менинг бир қисим, ҳаётимнинг мазмуни. Мен энди ҳаётимни бу ишсиз тасаввур қила олмайман. Бу энди хобби эмас. Бу энди мен учун масъулиятли вазифа... Ахир ҳайвонларга фақатгина одамлар ёрдам бера олади... \* \* \*

Тез-тез ижтимоий тармоқлар орқали айикни ўлдиришибди, кучукни тириклай чўктиришибди, овчилар ноёб қушларни, ҳайвонларни отишибди, деган хабарларни эшитамиз. Айниқса бундай мавзулар ижтимоий тармоқларда жуда катта шов-шувларга сабаб бўлади. Шундай пайтда ваҳшийлик, шафқатсизлик қаердан пайдо бўлади, деган саволлар қаршисида қоламиз. Ана шундай саволларга битта жавоб бор – болаларни ёшлигидан ҳайвонларга меҳрли қилиб ўстириш, “Ҳаёт – Жизнь” каби уйсиз ҳайвонлар учун ташкил қилинган бошпаналарга болаларингиз билан ташриф буюринг. Ахир Шаҳзодалардек, Кристиналардек қалбиди куёши бор болаларнинг сафи кенгайса олам ёруғлик ва эзгуликдан бошқача ёришади.

**Барно СУЛТОНОВА.**

## ОТА DUOSI

**Я**қинда синфдошимиз Саид ҳақида ноҳус хабар эшитиб қолдим.

Саид синфимизда энг аълочи ўқувчилардан эди. Ҳамма фанларни яхши ўзлаштирар, фан олимпиадаларида қатнашиб, туман, вилоятда фахрли ўринлар билан қайтар эди. Зиёли оилада катта бўлгани учун отаси Фозил бобо ҳамма фарзандларини олий маълумотли қилди, ўқитди. Ўзи эса қишлоғимизда биринчилардан бўлиб ҳаж зиёратига бориб келган, обрў-эътиборли оқсоқол эди.

Саид ҳам ўрта мактабни тугатиб, пойтахтга ўқишга кетди. Иккинчи уринишда нуфузли олий ўқув юртининг бирининг талабаси бўлди. Бошида ҳаммаси яхши кетаётган эди. Саид ўқийшини тугатиб туман марказида ишга кирди. Отаси Фозил бобо уни кўздай кўшниси Нарғизага яхши ният билан

унаштириб қўйди. Нарғиза ҳам ҳуснда қишлоқ қизлари билан баҳс бойлайдиган, сочи товонини ўпадиган тенги йўқ қиз бўлиб вояга етган эди.

Аслида, Саиднинг ҳам Нарғизада кўнгли йўқ эмасди. Ошкор этмаси-да кўз остига олиб юрар эди. Нима бўлдию Саид бир йиллик армия хизматига кетадиган бўлиб қолди.

Ҳаммаси ана шундан кейин бошланди. Саиднинг отаси «ана келади, мана келади,» деб Саиднинг келишига кўчқор боғлаб қўйди.

Ўша кун ҳам келди...

Аммо Саид ўзи эмас, ўзи билан бир қизни етаклаб кириб келди. Нима эмиш, ота-онасидан эрта етим қолган, қийналган қиз эмиш...

Онаси Холбуви момо йиғлади, сиқтади, она эмасми, ахийри кўнди. Отаси эса «ҳа баччағар-а, кўздай кўшненинг олдида нима деган одам бўлдим, ерга кўмдинг мени», дея қадди

букилди. Давраларга қўшилмайдиган бўлиб қолди. Фотиҳа бермади, бахт тиламади. “Майли болам, майли, деганича оппоқ соқолини силаб жим қолди. Алаҳсус, дили қаттиқ оғриган эди...”

Олти ой деганда Саиднинг тўнғич қизи туғилди. Шу тариқа кетма-кет 7 қиз фарзанд дунёга келди. Ниҳоят, бутун оила орзиқиб кутган саккизинчи – ўғил фарзанд дунёга келди. Отаси Фозил бобо Оллоҳга шукр айтиб, чуқур тин олди. Аммо Саид бу вақтда ичкиликка берилиб, ишини ҳам ташлаган эди. Бўйи етган қизларини куёвга узатиш ҳам отасининг бўйнига қолиб кетган эди. Бир куни нима бўлдию, Саид тўйга бораман деб эрталаб чиқиб кетиб кечқурун кириб келди. Шу кундан бошлаб унинг соғлигида жиддий ўзгариш бўла бошлади. Бошида ҳолсизланди, бора-бора иссиғи тушмай қуруқ йўтала бошлади. Одамлар «ичкилик енгиб қўйибди-да, афсус» деб ачиниш билан қарай бошлади.

Кунлардан бир куни кичик қизи Фозил бобонинг олдида югуриб келди. «Бобожон, тез юринг, дадам ўлиб қолади», дея йиғларди. Фозил бобо ота эмасми,

оёғини қўлига олиб югурди. Саиднинг аҳволи жуда оғир эди. Уни «тез ёрдам» машинаси олиб кетди. Эртасига уни пойтахтга олиб кетибди, «Совид-19 ни юқтириб олибди», деган гап тарқалди. Онаси Холбуви момо ҳали 50 га ҳам кирмаган боласининг ўрнига ўзининг жонини олишини Оллоҳдан сўраб сочини юларди. Отаси Фозил бобо эса бошини саждадан кўтармай Оллоҳга нола қилар эди. Нуқул “Эй Оллоҳим, мен боламни кечирдим, сен кечиргин” дея нола қилиб, кўз ёшлари тинмай оппоқ соқолини ювар эди...

**Ўғилой МАМАТҚУЛОВА, Жиззах вилояти.**

## ЭЪЛОН

Тошкент вилояти Зангиота тумани Давлат Хизматлари Маркази томонидан 2020 йил 4 сентябрда 888227 реестр рақами билан рўйхатдан ўтказилган “MILLIY PAY”МЧЖ (СТИР: 307697583 Зангиота тумани Эркин, Тариқ тешар МФЙ Қаҳрамон кўчаси) таъсисчининг 2020 йил 11-декабрдаги 2-сонли қарорига асосан ТУГАТИЛАДИ. Даъволар икки ой муддатда қабул қилинади

# TAMAКИ — SEKIN O'LDIRUVCHI QOTILDIR

**Т**амаки, уни суистеъмол қилувчиларнинг қарийб ярмини бу ёруғ оламдан бевақт олиб кетади. Ҳар йили у туфайли тахминан 6 миллион киши ҳаёт билан видолашади. Улардан қарийб 5 миллионини тамаки истеъмол қилувчилар ҳамда собиқ кашандалар ташкил этади. Қолган 600 000 нафари ўзи чекмаса-да, иккиламчи тамаки тутуни таъсиридан ҳалок бўлишади. Булар сирасига сигарета чекувчининг турмуш ўртоғи ва энг аянчлиси, фарзандлари киради. Агар шошилиш чора кўрилмаса, 2030 йилга бориб ҳар йили 8 миллиондан ортиқ одам сигарета қурбонига айланаверади. Дунёдаги бир миллиард кашанданинг қарийб 80 фоизи даромади паст ёки ўртача бўлган мамлакатларда истиқомат қилишади.

Бундай даҳшатли рақамларни келтиришдан мақсад – сиз – ҳурматли газетхонларни кўрқитиш эмас, балки ўзингиз ва яқинларингизни мазкур иллатдан ҳимоя қилишга чорлашдир!

## БИР ТОМЧИСИ ҲАМ ЗАҲАРГА ТЕНГ

Тамаки ва унинг тутунида 76 та ҳар хил кимёвий унсурлар бўлиб, шулардан 22 таси инсон соғлигига зиён етказиши мумкин. Айниқса, ундаги никотин, индол, бензопирен, углерод, оксид каби моддалар ўта заҳарли. Тамаки таркибидаги никотин алкалоиди юрак-қон томир тизими учун энг хавфли заҳарлардан бири ҳисобланади. Унинг таъсирида артерия қон томирлари тораяди ва юрак уриши тезлашиб, қон босими кўтариледи.

Никотин асаб тизими ва олий нерв фаолиятини издан чиқариб, бош мия қобиғида кўзғалиш ўчоғини ҳосил қилади ва шу орқали энгил кайф (эйфория) бағишлайди. Унинг шу хусусияти тамаки чекишни ўрганишга сабаб бўлади. Тамаки тутуни таркибидаги бензопирен, индол каби канцероген моддалар чекувчиларда саратон (рак) касаллигини келтириб чиқариши мумкин.

## АЯНЧЛИ ОҚИБАТЛАР...

Тамаки тутунининг фақат ўпкага эмас, балки танадаги барча аъзоларга ҳалокатли таъсир қилиши ва умрли қисқартириши кўп йиллик тажрибалар давомида тасдиқланган.

**Соч тўкилиши.** Тамаки чекиш одам иммунитетини сусайтиради. Бунинг оқибатида инсон кўпгина тери касалликларига дучор бўлади. Хусусан, соч тўкилиши, тизимли қизил волчанка хасталиги кашандалик асоратлари ҳисобланади.

**Катаракта.** Чекиш кўриш қобилиятига салбий таъсир кўрсатади. Кашандаларнинг деярли 40 фоизи катаракта (кўз гавҳари хиралашуви)га чалинади.

**Терининг барвақт қариши** (ажинлар пайдо бўлиши). Чекиш юз терисини таранг тортиб турувчи оксилларнинг эрта парчаланиб кетишига олиб келади. Шу сабабли чекувчиларнинг териси қуруқшаб, кўз ва оғиз атрофида чуқур ажинлар

пайдо бўлади.

**Э ш и т и ш қ о б и л и я т и н и й ў қ о т и ш.** Чекиш оқибатида томирлар атеросклерози эрта ривожланади. Бу ўрта кулоқда қон айланишининг сусайишига олиб келади. Кашандаларда кулоқ шамоллаши ҳамда юқори частотали ва кучли шовқинлар таъсирида эшитиш қобилиятининг йўқолиши кузатилади.

**Тери саратони.** Чекиш тўғридан-тўғри тери саратони (меланома)га олиб келмаса-да, аммо касалликнинг оғир кечишига таъсир қилади ва охир-оқибат терида оғир дард вужудга келади.

**Кариес.** Чекиш сўлакнинг кимёвий таркибини ўзгартиради, тишни сарғайтириб, тошлар пайдо қилади. Кариес вужудга келиб, бора-бора тишлар касалланади ва тўкилиб кетади.

**Ўпка эмфиземаси.** Чекиш ўпкада саратон касаллиги келиб чиқишида қўшимча омил вазифасини ўтайди ва ўпка эмфиземасига олиб келади.

**Остеопороз.** Сигарета тутунидаги углерод оксид заҳарли газ бўлиб, қон элементлари билан осон бирикади. Бунинг натижасида гемоглобин кислород ташиш функциясини 15 фоизгача йўқотади. Кислород етишмовчилиги суяк зичлигини пасайтиради ва нати-

жада суяк салга синадиган бўлиб қолади.

**Бачадон саратони ва ҳомила тушиши.** Чекувчи аёллар бепуштлиқ, ҳомиладорлик ва туғиш жараёнининг турли асоратларидан ташқари бачадон саратонига ҳам чалинишлари мумкин. Ҳомиладорлик даврида чекиш чақалоқнинг турли нуқсонлар билан туғилиш хавфини оширади.

**Саратон.** Сигарет тутунидаги 40 дан ортиқ канцероген моддалар саратон касаллигига олиб бориши жиҳатидан жуда хавфлидир. Чекувчилар чекмайдиганларга нисбатан 22 мартадан кўпроқ ўпка саратонига мубтало бўладилар. Уларда бурун бўшлиғи саратони (2 марта), тил саратони, оғиз бўшлиғи, сўлак безлари ва томоқ саратони (6 – 27 марта), ҳалқум саратони (10 – 18 марта), ошқозон саратони (2-3 марта), буйрак саратони (5 марта) сийдик қопи саратони (3 марта) ошқозон ости беши саратони (2 – 5 марта), йўғон ичак саратони ва тўғри ичак саратони (3 мар-

та) ва орқа чиқарув канали соҳасидаги саратон (5-6 мартагача) кўпроқ рўй беради.

## ЖИНСИЙ ФАОЛИЯТГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ БОР

Тамакининг жинсий фаолиятга салбий таъсири жуда катта. 20 – 25 ёшдан бошлаб 10 йилдан ортиқ тамаки чеккан аёлларнинг 40 фоизида климакс (ҳайздан қолиш) бошланганлиги қайд қилинган.

Кашанда эркакларда импотенция (жинсий заифлик), сурункали простатит каби касалликларнинг кўп учраши кузатилади. Масалан, чекувчи аёллар қонида фоликуллин ва прогестерон каби жинсий гормонларнинг чекмайдиган шахсларга нисбатан 1,5 баравар камлиги аниқланган. Кўп чекувчи эркакларда ҳам жинсий гормон – тестотероннинг камайиши қайд қилинган.

Қайси усулда чекилмасин, организмнинг иммун (касалликка турғунлик) тизимига бўлган салбий таъсири ўзгармайди. Айниқса, она қорнида ривожланаётган ҳомилада иммун тақчиллигини келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам чекувчи кашанда сурункали дардларга дучор ота-оналардан дунёга келган фарзандлар хасталикларга тез чалинувчан, нимжон, касалманд, руҳияти носоз ва кўп ҳолларда киндигига ўралиб туғиладилар.

Чекувчи аёлларнинг кўпчилиги операция йўли билан кўзи ёрийди.

## БИРГАЛИҚДА КУРАШИШ ЛОЗИМ

Тамаки чекиш натижасида келиб чиқадиган касалликлар ва асоратлар тамаки чекилган хоналарда ўтириб унинг тутунидан «бахраманд» бўлганларга ҳам тааллуқлидир.

Жамоатчилик жойларида тамаки тутуни экологияни бузувчи, инсон яшайдиган муҳитни зарарловчи омилдир. Демак, чекишга қарши кураш ҳар томонлама бўлиши зарур. Бунинг учун мактабларни, тиббий масканларни, сиҳатгоҳларни, ишлаб чиқариш муассасаларини «Тамаки чекилмайдиган ҳудуд» деб эълон қилиб, кўрсатилган ташкилотлар ҳудудларида ва унинг атрофларида тамаки маҳсулотлари билан савдо

қилишни тақиқлаб қўйиш даркор.

Ресторан, кафе, барлардан кулдонларни олиб қўйиб, чекиш учун бўлган имкониятни чеклаб, тамаки чекадиган кишиларга нисбатан жамоатчилик томонидан салбий муносабат билдирилиши керак.

## ЎЛИМ, КАСАЛЛИК ВА ҚАШШОҚЛИКНИНГ АСОСИЙ САБАБЧИСИ

Тамаки саломатлик учун хавфлидир. У ҳар йили қарийб 6 миллион кишининг умрига зомин бўлади. Бу ҳар 6 сонияда тамаки туфайли бир киши оламдан кўз юмади дегани, яъни катталар орасида ҳар ўнинчи одам ҳалок бўлмоқда. Пировардида тамаки истеъмол қилувчиларнинг тенг ярми тамаки билан боғлиқ бирорта касаллик оқибатида ҳаёт билан видолашади.

Дунёдаги бир миллиард чекувчининг қарийб 80фоизи аҳолиси паст ёки ўртача даромадли давлатларда истиқомат қилади. Улар тамаки билан боғлиқ касаллик ёки ўлим оқибатида қаттиқ қийналиб қолишади.

Тамаки туфайли бевақт вафот этган чекувчилар ўз оилаларини даромаддан маҳрум этади, тиббий ёрдам харажати-ни оширади ва иқтисодий ривожланишга тўсқинлик қилади.

Чекишни бошлаган одамлар саломатликларида муаммолар пайдо бўлгунча орадан бир неча йиллар ўтади. Тамаки билан боғлиқ ўлим ва касалликлар эпидемияси энди-энди кучга кириб, ўзини намоён эта бошлади.

XX асрда тамаки 100 миллионга ўлим ҳолатига сабаб бўлди. Агар бу тамойил сақланиб қоладиган бўлса, XXI асрда бу кўрсаткич бир миллиардгача етиши мумкин.

Ўз вақтида чора-тадбирлар кўрилмаса, 2030 йилга келиб тамаки билан боғлиқ ўлим ҳолати йилига 8 миллионни ташкил этади.

Тамаки хавфидан огоҳлантирилган аксарият чекувчилар чекишни ташлашни хоҳлашади.

Маслаҳат ва дори-дармонлар кашандаги чекишни ташлашга ёрдам бериши аниқ.

**Шоҳида ИСРОИЛОВА**  
тайёрлади.

# Birinchi

# o'zbek fotografi

Ўзбек миллий фото санъати ва ҳужжатли фильмлар асосчиси Худойберган Девонов 1879 йилда Хоразмда сарой котиби Нурмуҳаммад Девоний оила-сида таваллуд топган. Унинг отаси маърифатли киши бўлиб, Феруз тахаллуси билан жа-рангдор шеърлар ёзган ҳамда Ўзбекистонда биринчи миллий литографияни (тошбосмахона) ташкил қилган Хива хони Сайид Муҳаммад Раҳим II нинг яқин одами бўлган.



ларини тарқатиб, заминдош-ларида фотография санъатига қизиқиш уйғотишга ҳаракат қиларди.

Вақт ўтиши билан Ҳ. Девоновни молия вазири этиб тайинлашди. 1922 йилдаги банкнотларда «Молия нозир Худойберган Девон ўғли» ёзуви муҳрнинг босма нус-хаси акс эттирилди. Бироқ у ўз севимли машғулоти билан шуғулланишда давом этиб, кейинчалик ҳужжатли фильмлар марказий студияси-га мухбир этиб тайинланди. Ҳ. Девоновнинг кино ва фото ла-бораторияси собиқ Тошхўвли ёзги хон саройида жойлашган эди. У ўз кинолавлари билан бир неча бор Москвага ташриф буюриб, истеъдодини намойиш этган.

мавжуд. Ушбу қайдлар санаси-га қараб, ёш уста ижодий ишга 1892-1893 йилларда киришга-нини англаш мумкин.

Ҳ. Девонов олган илк сурат-лар этнографик хусусиятга эга бўлган (масалан, Хива девори ёнидаги дорбозлар, овчилар ва овга ўргатилган қушлар, Хиванинг ўзига хос арвалари, ариқларни тозалаётган ирри-гаторлар). Сифат жиҳатдан унинг илк ишлари чет эллик ҳамкасбларининг суратлари-дан қолишмаган. Яхши таълим олган Худойберган турк, форс, араб ва рус тилларида бема-лол сўзлаша оларди. Бундан ташқари моҳир фотосуратчи шеър ёзиш, ноёб атиргул тур-ларини етиштиришга қизиқар, бир қанча миллий чолғу асбо-ларини чалишни биларди.

Кунлардан бирида қизиқувчан болакай Худойбер-ган Хива яқинига кўчиб кел-ган меннонитлар қишлоғидан бўлмиш аллақандай немис Вильгельм Пеннер ўтказётган фотосессияда иштирок этишга муваффақ бўлди. Ўша пайтлар-да янгилик ҳисобланган фото-графия санъатининг ушбу та-шаббускорини маҳаллий аҳоли катта фотоаппарат кўтариб юргани учун «Панор Бува» (фонарь бува) деб атарди. В. Пеннер ёш хивалик Худойбер-ганни суратга олиш, шишали негативларини акс эттириш ва уларни босиб чиқариш жара-ёни билан қизиқтириб қўйди. Йигитча тезда барча мураккаб технологик операцияларни пухта ўзлаштирди ва ўзига совға қилинган "ЗОТ" русумли немис аппаратида фототасвир яратишни ўрганди.

Ёш фотосуратчи Хива зарбонасида хизмат қила бошлади. 1907 йилда эса Санкт-Петербургга йўл олган Хива хонлигининг биринчи вазири Исломхўжа бошчи-лигидаги дипломатик гуруҳ таркибига киритилди. У ерда Ҳ. Девонов донг таратган фо-тосуратчилардан соҳанинг сир-асрорларини ўрганди.

Дипломатик гуруҳ ўз ишини яқунлаганидан сўнг тажриба орттириш учун уни яна икки ойга шу ерда қолдиришди. Ҳ. Девонов ўз юртига турли фото ва кино ашёларини (улар-нинг баъзиларини бугун Хива «Ичан қалъа» давлат музей-кўриқхонасининг мемориал экспозициясида кўриш мум-кин), жумладан 593-рақамли «ПАТЭ» кинокамерасини олиб келди. Бу унга Хива хони Асфандиёрнинг фойтунда тантанали йўлга чиқиши (1910 йил), тарихий обидалар, ми-нораю масжидлар ва бошқа меъморий дурдоналар билан боғлиқ мустақил сурат-га олинган ўзбек ҳужжатли кинолавларини яратишда кўп келди. Шунингдек, унинг «Ўлкамиз меъморий ёдгор-ликлари» (114 метр, 1913 й.), «Туркистон манзаралари» (100 метр, 1916 й.) ва бошқа илк кинотасмалари ҳам сақланиб қолган.



Ҳ. Девонов фото ва кино санъатининг ҳақиқий тарғиботчисига айланди. У ўзи суратга олган ва хори-жий фильмлари Хиванинг гавжум ерларида намойиш этар, ўзи яратган ва остида изоҳли ёзувлар қайд этилган Хоразм ёдгорликлари сурат-

Девоновнинг фото ва ки-ноасарларида халққа ва Хива тарихига чексиз муҳаббат акс этиб турарди. Унинг бир қатор фотосуратларида тўғридан-тўғри шишали негативларга муаллиф томонидан араб ҳарфларида битилган ёзувлар


Аммо ўзбек фотографи-ясининг оқсоқоли узоқ вақт тинч ва осойишта қарилк гаштини сура олмади. Қатағон йилларида кўпгина зиёли-лар қаторида Худойберган Девонов ҳам ҳибсга олиниб, 1938 йил октябрь ойида қатл этилган. Бироқ 1959 йилда Ҳ. Девоновнинг иши бошқа юрт-дошларимиз қаторида қайта кўриб чиқибли, унинг номи тўлиқ оқланди.

Биринчи ўзбек фотогра-фининг мероси етарлича ўрганилмаган, аксарият қисми йўқ қилиб юборилган. Аммо Худойберган Девоновнинг қолган ижодий асарлари узоқ давр воқелигини қайта тик-лаш учун аъло даражали асл манбалар орасидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, унинг номи ўзбек фото санъати та-рихи саҳифаларига абадий муҳрланган.

**Гулчеҳра АЗИМОВА**  
тайёрлади.

## RAQSGA TUSHISH KASALLIK BO'LGAN(MI)?

**Рақс, энг қадимги санъат тури! У одамни ҳайратлантириши, жумбушга келтириши, маънавий ва жис-моний ҳордиқ бериши мумкин. Аммо бугун айрим ёшлар-нинг жазавали кўринишдаги рақсларидан одам таажжубга тушади. Бун қарангки, тарих-да «Рақс ўлати» эпидемияси ҳам жазавали ўйинга тушиш фониди кечган экан! Қуйида ўтмиш саҳифаларидаги шундай оламшумул эпидемиялар билан танишингиз мумкин:**



### РАҚС ЎЛАТИ...

1518-йилда Франциянинг Стасбург шаҳрида, дунё тарихига «Рақс ўлати» номи билан кирган эпидемия тарқалади. Троффи исмли аёл кўчага чиқиб, рақсга туша бошлайди. Бир неча кундан кейин эса, тўхтовсиз рақсга тушувчилар 34 кишига етади. Ҳолатдан хавотирга тушган шаҳар маъмурлари, уларни тўхтатиш мақсадида, раққослар учун махсус зал ва чолғувчилар гуруҳини ташкил қилади. Аммо бу фойда бермайди! Чунки бир ойдан кейин рақсга тушувчи аҳоли сони 400 кишига етганди! Рақс тушаётган одамлар, кучли чарчоқдан шикоят қилиб, ёрдам сўрар, лекин ўзларини тўхтата олмасди. Оқибатда, аксарият одамлар, жисмоний зўриқиш ва юрак хуружидан вафот этади...

### «АВЛИЁ ВИТУС РАҚСИ»

Бироқ бу эпидемия дунёда ягона ҳолат эмасди... 1374-йилда, Франциянинг шимолий-шарқида «Авлиё Витус рақси» номи билан тарих-да қолган эпидемия пайдо бўлган. Касаллик бир-



данига бир неча шаҳар ва қишлоқни қамраб олади. Нима учун «Авлиё Витус рақси»? Ўрта асрларда Гер-манияда одамлар, кимда-ким хотира куни авлиё Вита ҳайкали олдида рақс тушса, йил давомида соғлом бўлади деб ҳисоблашган, шу тарзда, рақс ом-мавий тус ола бошлайди. Кейинчалик эса, ғазабкор ва тўхтовсиз рақсга ту-шиш касаллиги кўринишига айланади. Олимлар бу ҳолатни оммавий психиоз деб аташган. Тарихчи Жон Уоллснинг айтишича, Стасбургдаги «Рақс ўлати»га умумий стресс сабаб бўлган. Чунки 1518- йили ҳосил етишмовчилиги ва очарчилик туфайли одамларнинг руҳий ҳолати издан чиққан ва тўхтовсиз рақсга тушган бўлиши мумкин.

### ФАБРИКАНИ ТАҲЛИКАГА СОЛГАН СИЧҚОН

Воқеа 1787-йил 15-февралда, Ан-глияда бўлган. Пахта фабрикаси хо-дими, бир ишчини кўрқитмоқчи бўлиб, унинг кийими ичига тирик сичқонни солиб қўяди. Ишчи қаттиқ кўрқувданми, кечаю-кундуз ўзини тўхтата олмай, ҳар ёққа урилиб, тебрана бошлайди. Қизиғи, эртасига яна учта ишчида эпи-демия бошланади. Бир кундан сўнг 20 кишида! У шу қадар кўрқинчли эдики, касалланганлар бошини пол ва девор-га урмасликлари учун, уларни ушлаб туриш керак эди.

Шундай қилиб, биргина сичқон бутун фабрикани кўрқув ва таҳликага солиб қўйган экан! Хайриятки касал-лик юқиши, бир неча кунлардан сўнг тўхтади ва қайта тақрорланмайди. Аммо бу воқеа тарих варақларига муҳрланиб қолди!

19-аср тиббиёт китобида, бу эпиде-мия «Хорейк гиперкинез» -беихтиёр конвулсив ҳаракатлар қилиш деб номланган. Бунга бактерия ёки турли инфекциялар сабаб бўлиши мумкин. Аммо бу чиндан юқумли эдими ёки ҳақиқатан оммавий психиоз таъсирими, ҳануз баҳсли жараёнлигича қолмоқда... Зеро, бу дунё биз билмаган сирларга тўла.

**Мафтуна КАРИМОВА.**

# HAYO ANDISHANING BIR PARCHASI

**Э**ътибор бераётган бўлсангиз, бугун андиша, андишасизлик ҳақида гапириш катта эҳтиёжга айланиб қолди. Негаки, биз менталитетимиздаги, қадриятларимиздаги айрим фазилатларни менсимаслигимиз етмаганидек, уларни нотўғри талқин ҳам қила бошладик. Шу сабабли ҳам бугунги саҳифамизда айнан андиша сўзи ва унинг бугунги кундаги ўрни ҳақида сўз юритишни маъқул топдик.

Келинг, аввало андиша сўзининг асл маъносига ойдинлик киритайлик. “Ўзбек тилининг изоҳли луғат”ида келтирилишича андиша форсча сўз бўлиб “фикр”, “уйлаш” деган маънони билдиради. Унинг биринчи маъноси оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритилган мулоҳаза бўлса, иккинчи маъноси ҳам айни фикр, мулоҳаза бўлиб, учинчи маъноси шарм-ҳаё ва ор-номусга амал қилиш экан. Андиша мажозан “ҳалокат” сўзини ифодалайди.

Бу сўз бизнинг тилимизда кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас. Масалан, бобомиз Лутфий “Гул ва навзўз” асарида ушбу сўздан кўргулик маъносида фойдаланган бўлса, буюк адибимиз Алишер Навоий ҳам “Ҳайрат-ул аброр” асарида мазкур сўзни кўрқув маъносида ишлатган.

## ЭНГ ТАНҚИС ТУЙҒУ

Эшқобил Шукур, Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир:

– Агар “Табиатнинг Қизил китоби” каби инсон туйғуларининг ҳам Қизил китоби нашр қилинса, унда биринчи бўлиб, андиша туйғуси киритилган бўлар эди. Энди бир нарса аниқ бўлиб қолди: XXI асрда энг танқис туйғу андиша туйғуси бўлади. Чунки,



одамзот бу туйғудан анча узоқлаб кетди. Андиша инсониятнинг етим туйғуларидан бирига айланиб бўлди. У қаттиқ ҳимояга муҳтож. Ачинарлиси шундаки, бу туйғусиз инсон ҳеч қачон бутун бўлолмайди. Инсоннинг таянч туйғулари ҳақида бир шеъримдан парча:

“... Йўл четидан яна четроққа ўтар,  
Ҳар касса камписанд мазлум Андиша...”

Кўрса бас албатта тош отиб ўтар,  
Ўғрию муттаҳам унга ҳамиша...”

## КЎРҚОҚЛИКМИ ЁКИ ..?

Андиша ҳақида сўз борар экан Олий Мажлис Сенати аъзоси, “Мехнат шухрати” ва “Эл-юрт ҳурмати” орденлари соҳиби, Фармон Тошев куйидаги фикрларини айтиб ўтдилар:

Андиша тўғрисида турли фикрлар билдириляпти. Тўғри, ҳаё, уялиш йўқолганда андиша барбод бўлади,

аммо, ба-рибир, андиша ҳаё дегани эмас, унинг юки сал оғирроқ. Андиша фикрлаш, фикрнинг баён этиш билан боғлиқ. Андиша энг аввало ўз сўзи учун масъул бўлиш дегани. Шу жиҳатдан андиша сўзи фаросат тушунчасига ўхшаб кетади.

Айтайлик, бирор кишининг гуноҳини юзига гапирмасдан, билмасликка олиб турсангиз, у бу номаъқул ишни яна такрорласа, “ҳой, биродар, андишанинг отини кўрқоқликка қўйманг, ўзингизни йиғиштириб олинг”, деймиз. Вазиятни мураккаблаштирамаслик учун сукут сақлашни шартта, юзсиз кишилар мендан кўрқди, деб қабул қилади.

Андишасизлик – энг аввало ўчакишганда, жаҳл чиққанда пайдо бўладиган жаҳолатнинг оқибати.

Андишасизлик – масъулиятсизлик, ўзини ўзи ҳурмат қилмаслик.

Хўш, нима қилмоқ керак, андишасизликка қарши қандай чоралар қўллаш лозим?

Назаримда, оилавий муҳитда маънавий тарбияни кучайтириш керак.

Жамоатчиликда бу иллатга қарши нафрат уйғотиш тизимини яратмоқ лозим. Шунинг унутмайликки, андишасиз киши ҳеч қачон ўзини гуноҳкор, деб ҳисобламайди. Унда кибр кучли бўлади. Андишасизликка кўпинча саводсиз, илмсиз, маданияти паст кишилар мойил бўлади, бу иллатни даволаш осон кечмайди.

Халқимиз азалдан андишали бўлган. Бировга оғир ноўрин сўз айтишдан тийилган. Шартакиликни эп билмаган ўзига. Айниқса, ота-онасига, биродарига, катта ёшдагиларга кўпол ҳақоратли гапиришга ҳадди сиғмаган.

## ФАЗИЛАТ ДЕЙИШ МУМКИН

Ҳеч иккиланмай андишани инсоннинг гўзал фазилатларидан бири

дейиш мумкин. Ўғил ўстирган оналар, одобли, ибодли-ҳаёли, андишали келин олсам дея ният қилади. Аммо бугунги замон келинлари (баъзилари) андиша тугул бу сўзнинг туб маъносини тушуниб етмаётгани ачинарли. Ўзидан катталарга ҳеч иккиланмай гап қайтараётган, юзма-юз айтишиб, мазахлашга уялмаётган қизларимиз, эртага худди шундай келин бўлиб, ота-онасининг юзини ерга қаратмаслигига ҳеч ким жавоб беролмайди.

Бугуннинг “қаҳрамон” келинлари орасида, шундайлари борки, ёлғон гапиришга, тухмат қилишга уялмайди, бетгачопарлик, шаллақилик қилишдан тортинмайди, фарзандини кўчага ташлашга, пуллаб юборишга ботинадиган даражага келган. Хўш, сизнингча бундай вазиятларнинг туб нуқтаси тарбияга бориб тақалмайди? Аёл номини булғайган бундай беандишалар жамиятимизга, ўзбекчилигимизга иснод бўлмаяптими? Биз ўзбек миллати андишали халқимиз, аммо бугунга келиб тарбия беришда адашаётганлар миллатимиз номига доғ тушираётгани ачинарли.

## САЛБИЙ ОҚИБАТГА ОЛИБ КЕЛСА...

Ҳа, баъзида андиша қилишнинг ҳам оқибати ёмон бўлиши мумкин экан. Ҳайрон қолаётган бўлишингиз табиий, ахир яқиндагина уни гўзал фазилат, деяётган эдингиз дейсизми. Албатта, андиша яхши фазилат аммо бир инсонга нохушлик олиб келиши мумкин бўлган гапни андиша қилиб айтмасдан қийин вазиятга тушиб қолганларни биламан.

Кўшнимизнинг кичик қизи ёмон йўлга кириб кетган эди. Уни бир-неча бор кўчада кўриб қолган холаваччаси, бу гапни қизнинг онасига айтишга ботина олмабди. Қизнинг онаси Фазилат опа(исми ўзгартирилган) жуда хокисор, мулойим аёл эди. Холасининг юзига қараб: “Қизингиз мана шунақа ишлар қилиб юрибди”, дейишга андиша қилиб айтолмаган жияни Фазилат опанинг кўзига душман бўлиб қолди.

Яъни бу гап бутун маҳаллага тарқалиб кетгач шармандаликдан бош кўтаролмай қолган Фазилат опа қариндоши билан юз кўрмас бўлди.

Гувоҳи бўлганингиздек, андиша қилиб ҳақиқатни айтолмаган одам катта айбдор бўлиб қолди, ваҳоланки у бир оғиз гап билан, бу вазиятни олдини олиши мумкин эди.

## МАШҲУРЛИККА ЭРИШМОҚЧИ БЎЛГАН АНДИШАСИЗЛАР

Бугун жамиятимизда янги тоифа вакиллари пайдо бўлган. Қандай дея ҳайрон қолаётган бўлишингиз мумкин, уларни сиз ҳам яхши танийсиз. Улар ўзларининг оилавий шароити, ота-она ёки ака-опалари билан бўлаётган тушунмовчилик ва кўнгилсизликларни

омма олдиға олиб чиқаётганлар. Бугунги кунда аксарият талеканалларимиз айнан мана шундай дастурлар сонини кўпайтирган. Ва шундай кўрсатувларда қаҳрамон бўлиш истагидаги одамларнинг мақсади ҳам турли хил. Балки улар халққа ўз дардларини дастурхон қилиш орқали оммага танилмоқчидир. Балки уларга: “Эшитдингизми, фалончи телевизорга чиқибди”, деган гап керакдир. Дарҳақиқат, бизнинг халқимиз ўша фалончининг телевизорга чиққанини айтишади ҳам... Аммо кўпчилик одам-



лар фақатгина телевизорга чиққанлиги ҳақида гапиришади. Аслида унинг нима сабабдан чиққанлиги эса одамлар (унитаниган баъзи одамлар) нинг кўзига кўринмайди.

“Ёшлар” телеканали “Ёшлар пресс клуби” муаллифи

ва бошловчиси Абдорбек Марифжонов:

– Журналист ёритиши таққиланган мавзуларнинг бири давлат сирини бўлса яна бири ҳарбий сирлардир. Мен шулар орасига учинчи ҳолат сифатида оилавий сирларни ҳам қўшган бўлар эдим. Яъни, шахсни ошқора этган ҳолда унинг муаммоларини омма эътиборига ҳавола этишни маъқуллай олмайман. Албатта ҳар бир инсоннинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари бор ва у бу ҳуқуқларидан фойдаланиши мумкин. Мен бу вазиятга муаммоси бор фуқаро бўлиб эмас, ўша муаммони ёритаётган журналист сифатида ёндошмоқчиман. Бугунги кунда эфирга узатилаётган тоқшоуларда аввало шахснинг дахлсизлиги, унинг сир сақланиши таъминланиши керак, деб ҳисоблайман. Ваҳоланки у экран юзига чиқиб оилавий муаммоларини айтгани(балки унинг муаммоси бошқа жойда ҳал бўлмаётгани учун ҳам телеканалларга мурожаат қилган), қариндошларидан норози бўлиб нолигани билан телевидение ходимлари ёки мутахассислар ҳам унинг масаласини ҳал қилиб беролмаяпти.

Телевидениенинг асосий мақсади томошабинлар сонини кўпайтириш. Уларга курол вазифасида хизмат қилаётган шахсларни эса беҳаёлик, беандишалик қилишяпти деб ҳисоблайман. Ўз отасидан ёки ўз қайнонасидан шикоят қилиб чиқаётган фарзандлар, жигарларининг юзини ерга қаратиб нимага эришаётгани қизиқ. Уни дунёга келтирган инсонларни уятга қўйиб эл олдиға чиқишдан мақсад нима? Эртанги ҳаёти, тақдири қандай бўлишини ўйламаётган, андишасиз фарзандларга ачинаман.

Ҳар туйғунинг инсон ҳаётида ўз вазифаси, ўрни бор, фақат одамлар ундан тўғри фойдалана олса бас.

**Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА,**  
“Оила ва жамият” мухбири.

## Oila va jamiyat

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

## МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, “Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Акбар ҚАРШИЕВ

## МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.  
Амир Темур кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,  
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 1236. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 943. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: Б. Исмоилов  
Мусаҳҳиҳ: С. Сайдалимов  
Саҳифаловчи: А. Маликов

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 4 5